

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

2
(747)-son

12-yanvar

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-yil martdan chiqa boshlagan

14 январ —
Ватан ҳимоячилари куни

Юртимиз
посбонлари



3-БЕТ →

Ушбу сонда:

● YANGI YIL REJALARI:

UZINFOCOM
ВА «UNITEL»
2007 ЙИЛДА

5-БЕТ →

● JAHON POCHTASI

СЛОВЕНИЯ
ПОЧТАСИ
ФАОЛИЯТИГА
НАЗАР

11-БЕТ →

● "KABUTARDAN — SAMOVIY
ALOQAGACHAI"
TANLOVIGA

ХОРАЗМ
АЛОҚА ТИЗИ-
МИ ТАРИХИ

12-БЕТ →

● SIZ KUTGAN UCHRASHUV

ЎТИ ИЮСУПОВА:
МЕНДАН ҲАМ
БАХТИЁР
ОДАМ
БОРМИКИН...

16-БЕТ →



Интернет
ҳамкорларимиз

Uz Net

Internet Service Provider
— сифат рамзидир

SarkorTelecom
Internet Service Provider

— юқори тезликдаги уй Интернетети

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорда Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитга таркиби тасдиқланиб, унинг зиммасига бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси юклатилди.



Қарорда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2007 йилнинг июл ойигача Абдулла Қаҳҳор сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ҳамда конвертлар туркумини чиқариши лозимлиги ҳам кўрсатилган.

✓ Ислам конференцияси ташкилоти таркибидagi муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти Тошкентни 2007 йилда Ислам маданиятининг пойтахти, деб эълон қилди.



Ўзбекистон ислом маданияти ва илми оддидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга эга бўлди.

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Депутатлар Қонунчилик палатаси муҳокама-сига иккинчи ўқишда қиритилаётган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

✓ Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Франциянинг сиёсий, илмий экспертларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз парламентига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари юзасидан французлик экспертлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Жумладан, Метц университети профессори, Европа парламентининг солиқ эксперти К. де Регуардининг фикр билдиришича, Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси сиёсий кучларнинг тизимлашуви ва жишлашувига йўналирилган бўлиб, у мамлакатдаги партиялар фаолияти тўғрисида аҳолининг яхши хабардор бўлишига кўмаклашади.

✓ Айни кунларда Ватан ҳимоятчилари куну ва Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллигига бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойиги доирасида ўтказилаётган тадбирларда Президентимиз Ислам Каримовнинг юртингизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятнинг демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳарбийлик касбининг инфузивни янада кўтариш бағишланган асарлари кенг ўрганилмоқда.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мажлислар залида бир қатор вазирликлар, идоралар, нодавлат ташкилотлар ва бизнес соҳаси вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида



Агентлик ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси томонидан ташкиллаштирилган мазкур давра суҳбати ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни келгусида янада такомиллаштириш мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги тахрири матни бўйича таклифлар, оммавий хизмат кўрсатишда электрон тўлов-маълумот терминалларини жорий этиш ва ишла-тиш тартиби меъёрий базасини шакллантириш, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқларини муҳофазалаш сингари масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев Агентлик тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлари ва бизнес соҳаси вакиллари билан ҳамкорликда АКТ тизими меъёрий-ҳуқуқий базасини оптималлаштириш бўйича мунтазам иш олиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, соҳа корхоналари учун 2002 йилдан 2006 йилгача амалда бўлган солиқ ва божхона тўловлари борасидаги имтиёزلарга тўхталди. Шундан сўнг давра суҳбати қатнашчилари томонидан республикаимиз ахборот технологиялари соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш,

АКТ масаласи

жумладан, ички бозорни ахборот технологиялари маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, экспорт ҳажминини ошириш, соҳада фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилиши керак бўлган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўйлаймизки, шу каби учрашувлар мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари бозорини янада ривожлантиришда, бу борадаги мавжуд айрим муаммоларга биргаликда ечим топишда муҳим рол ўйнайди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

● TATU FILIALLARIDA

Уч буюк қадрият

Республика Маънавият ва тарғибот марказининг олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарасини янада ошириш бўйича белгилаб берган вазифалари ижросини Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали жамоасида таъминлаш мақсадида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Анжуманда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Йўлдош Суёнов, вилоят Адлия бошқармаси ходими Расул Давронов, Ўзбекистон либерал-демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Зухур Ниёзовлар ёшларнинг тарбиясида ҳуқуқий маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифатнинг тугган ўрни, улар қалбига миллий қадриятларимизни асраб-

авайлаш, Ватанга муҳаббат, мустақиллигимизга садоқат туйғулларини сингдириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлиги ҳамда бу вазифаларнинг амалда қай тарзда бажарилиши ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дарҳақиқат, маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот масалалари ҳеч қачон бугунгидек долзарб аҳамият касб этмаган. Президентимиз томонидан маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганиги бежиз эмас, албатта.

Филиалимизда меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчи талабалар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларда фаол қатнашмоқда. Устоз-мураббийларимизнинг барчаси келажақ авлод тарбиясига жуда катта масъулият билан ёндашмоқдалар. Ўқув даргоҳимизда ўтказилган ушбу анжуманнинг мақсади ҳам талаба-ёшларимизни маънавий етуқ, маърифатга интилувчи, дунёқараши теран, мустақил фикрлай оладиган, қадриятларни ардоқлайдиган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган.

Омон МЕЛИЕВ,
TATU Самарқанд филиалининг
директори

Ҳарбий хизмат – ёшларда мустақам ҳаётӣ тажрибалар, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантирадиган жисмоний ва маънавий чиниқиш мактабидир.

Ҳарбий хизматни ўташ — ҳар бир йигитнинг орузи. Айниқса, бугунги кунда бундай имкониятга сазовор бўлиш ўзгача бир шарафдир. Мамлакатимизда мустақил Қуролли Кучларимиз ташкил этилганидан сўнг, профессионал армияни шакллантиришга катта эътибор қаратила бошланди. Муддатли ҳарбий хизматга нафақат жисмоний, балки интеллектуал савияси юқори бўлган ёшлар жалб этилмоқда. Бу бежиз эмаслигини Қуролли Кучларимиз сафига қўшилган йигитларимиз яхши англаб етишяпти. Қисмларда аскарларнинг ҳарбий билимлари, жисмоний чиниқишларини юксалтириш билан бирга, интеллектуал, маънавий салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хизмат да-

Юртимиз посбонлари

вомида кутубхона ва компьютер хоналарида ўз билимларини ошириш, олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёрланиш, ҳафтасига камда 4 соат қўшимча машғулларда иштирок этиш каби қатор имкониятлар яратилганига ёшларимиз келажагини белгилаб берувчи омил сифатида қараш мумкин. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган ёшларга олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўпландиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклида имтиёз берилиши, тавсияномага эга бўлган, бироқ тест синовиде керакли балл тўплай олмаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ ўқужалиги, табиий-илмий ва техник



Йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши эса катта ҳаёт оstonасида

турган йигитлар учун қулай имконият эмасми?!

Ватанини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу бурч, бундай шараф болалигимизданоқ қалбимиз тубида аланга олади десам, муболага бўлмайди. Акаларимиз, маҳалладаги таниш-билишларимиз армия сафидан қайтиб келишганда уларнинг ҳарбий кийимига ҳавас билан қараган, мен ҳам аскар бўламан, дея ният қилганлар орамизда кўплаб топилди. Мана, бугун минглаб ёшларимизнинг ана шундай эзгу ниятлари рўёбга чиқмоқда. Ҳарбий соҳага меҳр қўйган, эл-юрт тинчлиги, мамлакат осойишталигини таъминлашга бел боғлаган юрт посбонлари муддатли ҳарбий хизматдан сўнг, шартнома бўйича аскарлик бурчини адо этишмоқда. Барча оддий аскарларда ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаш имконияти яратилган.

Яқинда мамлакатимиз Президенти Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил” эсдалик нишони таъсис этилди. Бу нишон Ватан ҳимоячилари кун арафасида Қуролли Кучларимиз сафида садақот ила хизмат қилаётган, ўзининг юксак касб маҳоратини намойиш этган ватанпарвар юртдошларимизга тантанали равишда топширилади.

Юртимиз озодлиги, осмонимиз мусаффолиги, ҳаётимиз барқарорлиги йўлида ўз жонини фидо қилишга тайёр посбонларимиз борлигидан фахрланамиз.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Бошқармада байрам тадбири

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганига 15 йил тўлиши ҳамда Ватан ҳимоячилари кун байрами муносабати билан 13 январь куні Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сонли ҳарбий қисм)да ҳарбий хизматчилар ва фахрийлар иштирокиде байрам тадбири ўтказилади.

Йиғилишда Қуролли Кучлар қурилишига муҳим ҳисса қўшган, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намойён қилган ҳарбий хизматчилар “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирланиши, шунингдек, Бошқарма томонидан ҳам ходимлар рағбатлантирилиши режалаштирилмоқда.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сониде танишингиз мумкин.



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар кунунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси.

Ҳам талаба, ҳам ҳарбий ёшлар

Юртимиз тараққиёт сари одимлаб бораётган бугунги кунда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимиз олий ўқув юртида таҳсил олиб, турли мутахассисликларни эгалламоқдалар. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ҳам ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий алоқа воситалари ва алоқа ташкил этиш асослари бўйича билим олмоқдалар.

Бўлажак мутахассисларнинг ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳам муҳим ўрин тутади. Университетимиз бу жиҳатдан бошқа олий ўқув юртиларидан ажралиб туради. Алоқачи офицерлар тайёрлаётган Махсус факултет, захирадаги офицерлар таълим олаётган Ҳарбий кафедранинг мавжудлиги бунга мисолдир.

Университетимизда асосий мутахассисликларни ўрганиш билан бир қаторда, ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳам билим олиш истагидаги талабалар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг энг муносиблари ўқишга муносабати ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўтадиган танлов асосида қабул қилинади. Талабаларимиз ўқиш жараёнида ҳарбий Низомлар, саф тайёргарлиги, турли ҳарбий алоқа техникаси, умумий тактика, ҳарбий топография, ўқ отиш асослари, ҳарбий бўлинмаларда алоқани ташкил этиш асослари билан яқиндан танишадилар.

Кафедрамизда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар ҳам кенг қўламада олиб борилади. Машғуллар мадҳияимизнинг ижроси ва байрогимизнинг кўтарилиши билан бошланади. Та-

лабалар машғуллар давомида ҳарбий ҳаётга ҳам кўникиб борадилар. Улар гуруҳ бўйича навбатчи, кафедра бўйича посбон, бўлинма, гуруҳ командири вазифаларини бажарадилар. Бу борада уларга кўп йиллик ҳарбий хизмат тажрибасига эга малакали офицер ўқитувчилар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Кафедрада дала-алоқа линияларини ташкил этиш бўйича электрлашган стенд ташкил этилди, Махсус факултет офицерлари билан биргаликда курсантлар ва талабалар учун мўлжалланган «Алоқани ташкил қилиш асослари» дарслиги, ҳарбий атамаларнинг русча-ўзбекча луғати, бир қанча ўқув қўлланмалар нашр қилинди, «Махсус вазифа бажарувчи бўлинмаларнинг тайёргарлиги» китоби давлат тилига таржима қилинди, ҳарбий алоқа воситалари ва алоқани ташкил этиш услублари ўқув қўлланмасининг электрон варианты, ўқ отиш тайёргарлиги, замонавий қурол-яроғлар бўйича маълумотларнинг мултимедиа ли кўринишлари тайёрланди.

Талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги қисмларда бўлиб ўтадиган ҳарбий йиғинлар билан яқунланади. Йиғинларда ёшлар ҳарбийлар ҳаёти билан бевосита танишадилар, қисқа муддатга бўлса ҳам аскар хизмати машаққат-



ларини ҳис қиладилар. Бу ерда улар оқ ёқа тикишини, кийимларини озода сақлашни, ўринларини ҳарбийчасига тартибга келтиришни ўрганадилар. Жанговар қуролдан ўқ отиш машқлари билан шуғулланадилар.

Тарбиявий ишларнинг катта қисми ҳарбий қасамёд тадбирларига қаратилади. Турли босқичлардан ўтиб, ҳарбий хизматнинг баъзи қийинчиликларини кўрган талабалар ўз халқига, Президентга содиқлиги ҳақида қасамёд қилади. Одатда, бу тадбирлар университет раҳбарияти, талабаларнинг яқинлари иштирокида тантанали ўтади ва барчанинг хотирасида бир умр сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 15 йиллигига бағишлаб университетда қатор тадбирлар режа-

лаштирилган. Бу тадбирларда талабаларимиз ҳам офицер ўқитувчилар бошчилигида фаол иштирок этмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз мудофеа тизимининг барча жабҳаларида хизмат қилаётган ҳарбийларини, кафедрамиз педагогик жамоаси ва талабаларини 14 январь — Ватан ҳимоялари куні билан сидқидилдан табриклайман. Уларга Ватанимиз тинчлик-осойишталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек ўта масъулиятли ҳамда шарафли ишларида муваффақиятлар тилайман. Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ,
ТАТУ Ҳарбий кафедраси
бошлиғи, подполковник



DUNYO BIR TUGMACHA-YU...

АҚШНИНГ ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ



АҚШ президенти Жорж Буш Ироқдаги америкалик ҳарбий хизматчиларнинг сонини яна 20 минг кишига кўпайтириш ҳақида қарор чиқарди.

Шу кунларда Бушнинг Американинг Ироқдаги янги стратегиясини оммага ошкор қилиши кутилмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, ушбу давлатда ҳарбий хизматчиларнинг кўпайтирилиши

янгй режанинг асосидир.

Бундан ташқари, Оқ уй раҳбари Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш учун мамлакат конгрессидан 100 миллиард доллар ажратилишини сўрамоқда.

АҚШ Сенатидagi демократлар етакчиси Гарри Рейд эса, аксинча, Ироқдаги Америка контингенти сонининг қисқартирилиши тарафдор. У бу мамлакатдаги ҳарбий кампанияни тўхтатиш учун ҳамма ҳаракатларни олиб боришга тайёр эканини маълум қилди.

Айни дамда Ироқда 140 минг америкалик ҳарбий жойлаштирилган.

ЭРОН ҲАМ ҚАРАБ ТУРМАЙДИ!

БРИТАНИЯНИНГ "Sunday Times" ҳафталик газетасида шов-шувли мақола чоп этилди.

Мақолада Исроил Эроннинг ядро объектларини вайрон қилиш учун махфий режа ишлаб чиққанлиги ҳақида баён қилинган. Мақола Исроил мудофаа вазири ўринбасари Эфраим Снэнинг "Эронга қарши ҳарбий ҳаракатни бошлаш тўғрисидаги масалани ҳал этадиган вақтга яқин қолди" каби сўзлари билан аяқланган.

Албатта, ушбу мақола Эрон томонидан эътиборсиз қолдирилмади. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Муҳаммад Али Хусайний журналистлар билан учрашувда Эронга қарши ҳар қандай тажовуз жавобсиз қолмаслигини таъкидлади.

ИНДОНЕЗИЯДА ЯНА "ПАРРАНДА ГРИППИ"



ИНДОНЕЗИЯ пойтахти Жакарта шаҳридаги клиникалардан бирида 14 ёшли ўсмир "парранда гриппи"дан вафот этди.

Бу 2005 йилдан буён қайд этилган 58-ўлим ҳолатидир. Умуман олганда, дунё бўйича H5N1 вирусига чалинган беморларнинг ҳар учтадан бири Индонезияда рўйхатга олинган.

Ушбу мамлакат мазкур эпидемия оқибатида содир бўлган ўлим даражаси бўйича ўтган йили Ветнам ва Таиландни ҳам орта қолдирди.

НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ



МЕКСИКА ҳукумати АҚШ билан чегарадош Тихуана шаҳрига наркобизнесга қарши кураш олиб бориш учун уч мингдан ортиқ аскар ва полицияни жўнатди.

Тихуана Мексикадан АҚШга наркотик моддаларнинг бир неча тури, жумладан, кокаин олиб ўтладиган асосий маскан ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда 300дан ортиқ қотиллик содир этилган.

Москва — Минск: ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ



ВЛАДИМИР ПУТИН ва Александр Лукашенко Россия нефтини Беларус орқали ташишга оид муаммоларни телефон орқали муҳокама қилишди.

Кремль матбуот хизматининг таъкидлашича, мулоқот давомида, шунингдек, икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликларни янада барқарорлаштириш борасида ҳам сўз юритилди. Шу билан бирга, энергетика соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Беларус томонининг таъкидлашича, Москва ва Минск ўртасида Россия нефтининг ўз ҳудуди орқали ташиш масаласида келишмовчиликлар юзага келмайтиди Чунки, бундан Беларус давлати ҳам манфаатдор.

Интернет материаллари асосида
Усмонов ИҲЛОШЕВ таърифи

Юзага чиқиб қолган тоғ жинсларини эса Ойбек Сотимов раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари ўра устидан четга олиб кўя беришди. Чамаси олти юз метр алоқа йўли қазилган, ҳамкасблар шу ўзан бўйлаб қайтишга шайландилар. Энди пўлат теша ёрдамида оптик-толали кабел ётқизила бошланди.

Бу чоғ "Чебаксар"га кўмаклашиш ёшлар зиммасига юкланди. Ҳотам Мадраҳимов билан Алижон Собиров теша олдига ўрнатилган қувурдан кабел ва унинг сариқ рангдаги сигналчи қоғоз қатламасини ер остига тушираверди. Отажон эса трактор билан ёнма-ён юриб, кабелни узатиб турди. Тажрибали мураббийлар — Шухрат Собиров ҳамда Шахтам Назирбоевлар шоғирларга

йилнинг ноябр ойдан эътиборан, Сурхон воҳасида меҳнат қилмоқда. Улар "Бойсун-Қашқадарё чегараси" лойиҳаси асосида 46 километр масофага оптик-толали кабел ётқизишади. Бойсундаги Олмазор маҳалласининг Шароф Рашидов кўчасидан бошланган иш бугунга қадар Дарбанд довони этагига борди.

Тан олиш керак, амалдаги жараён осон кечаётгани йўқ. Қадам сайин муаммога дуч келинмоқда. Тоғли Бойсуннинг кишки шароитида ишлаш ҳар бир аъзодан мустаҳкам ирода ва куч-қувват талаб қиляпти. 21-22 ноябр кунлари ёғаётган ёмғир қорга айланди. Йилнинг биринчи қори атайин алоқа қурилиши иштирокчиларининг иродасини синаб кўргандай бўлди. Бойсун

шу томонга келаётганини айтди. Билишимча, Рашид ака ўғли билан тез-тез боғланиб, ишнинг беришини суриштириб турар, далда берибгина қолмасдан, баъзи муаммоларни ҳал этишга қўлдан келганча кўмаклашар экан. Унинг шундай ният билан олис манзилга ошиқётганидан, рости, қувондик.

— Демак, "Чебаксар"нинг қуввати яна мустаҳкамланадиган бўлибди-да, — дедим ҳамроҳимга савол назари билан боқиб.

— Нимасини айтасиз ака, унинг учун энг зарур эҳтиёт қисм санокли соатлар ичида қўлимизга тегади.

Рубин Муҳаммаджоновнинг отаси Рашид ака кўп йил қурувчи-муҳандис бўлиб ишлаган, сеvimли соҳасидан ҳурмат-эҳтиром билан меҳнат

Зариф БОБОВЕВ бошқараётган трактор Тўда қишлоғи этагидан Довонга ўрлади. Орқа томонига тиркалаган мезиндаги мустаҳкам "теша" қуви раъми ва (гупро)ни ёриб бораркан, қарийб ярим метр пасадани харсанг тошга тегади. Сўнгра уни четга суриб ҳаракатда давом этади.

Дарбанд довоида



бош-қош бўлди. "Чебаксар" энди кабел ётқизиш билан бирга уни бир вақтнинг ўзида кўйиб ҳам борарди.

— Қойил, — дейман ҳайратимни яширолмай, — бу "полвон" чарчаш нималигини билмас экан-а?!

— Иши ҳам вазнига яраша, — дея ҳазиломуз сўз қотди Шухрат Собиров. — Оғирлиги нақд 60 тонналик тош босади. Бир соатлик узлуксиз иш учун 90 литр ёнилғи ёқади. Уни ҳамкасбим Зарифбой билан навбатма-навбат бошқариб келялмиш.

Сухбатдошимнинг сўзларига қараганда, Россияда ишлаб чиқарилган "Чебаксар" русумли трактор ўн саккиз йил муқаддам юртимизга келтирилган. Шундан бери алоқа соҳаси қурилишларида қатнашмоқда. Мустақиллик йилларида унинг "хизмат сафари" билан борган манзиллари кўп бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларини лойиҳа асосида рақамлаштиришда "Чебаксар" фаол иштирок этди. Босган йўли ва ишлари салмоғи миллиондан сўзлайди.

Малакали мутахассис Рубин Муҳаммаджонов бошлиқ участка аъзолари ўтган

тумани марказида офтоб чарақлаб турган бир чоғда Тўда қишлоғи устидаги булут паға-паға қор ташлади. Рубин Муҳаммаджонов "Самсунг" русумли видеокамерасини ишга солди. Тасвирларда ҳамкасбларининг табиат инжиқликларига бардоши ўз аксини топди. Ҳа, улар қор ёғиб турганига қарамасдан ишни бир зум тўхтатишмади. Ўша кун қарийб бир километр масофага оптик-толали кабел ётқизилди.

— Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятидан келиб ишлаётган ҳамкасбларимиздан беҳад миннатдормиз, — дейди магистрал алоқа линияларининг худудий бошқармаси бош муҳандиси Сергей Сидненко. — Улар чиндан ҳам жасорат кўрсатишяпти. Ён дафтарчангизга Мирза ака билан Қаҳрамонларнинг ҳам исmlарини ёзиб қўйсангиз яхши бўларди. Бир сўз билан айтсам, уларнинг барчаси фидойиликда бири-бирдан қолишмайди.

Бунёдкорлар ҳузуридан Бойсунга қайтаётганимизда ҳамроҳим Рубин Муҳаммаджоновнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Бир пасдан сўнг у отаси Рашид ака кўнғироқ қилганини ва ўз мажлисида

нафақасига кузатилган.

— Отам билан фахрланишга ҳақлиман, — дейди Рубин самимий оҳангда. — Ватанимизнинг бир қатор қурилишларида меҳнат қилди. Айниқса, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Тошкент шаҳри ва Шаҳрисабздаги ҳайкалинини ўрнатишда иштирок этгани билан ҳар қанча гурурлансам арзийди.

... Бугун тоғли Бойсун ҳудуди чин маънода истиқлол иншоотлари майдониغا айланган. Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўлининг сўнги босқичида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бир тарафда туман телекоммуникациялар тармоғини Хитой кредити билан молиялаштирилган лойиҳа асосида рақамлаштиришга мустаҳкам замин яратилмоқда. Бир йўла уч-тўрт юмшунчи бажариш қувватига эга бўлган "Чебаксар" эса темир йўл қурилишида қатнашаётган техниклар наърасига ҳамроҳан ҳолда Дарбанд довоида ҳаракатланмоқда. Зотан, янги — 2007 йил Бойсуннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига асрга татиғулик янгиликлар олиб келади.

Нортожи ЗИЁЕВ
Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон уяли алоқа бозорига кириб келганига бир йил ҳам тўлмаган бўлса-да, «Билайн» хизматларининг аҳолимиз орасидаги оммавийлиги тобора ошиб бормоқда. Ўтган қисқа вақт ичида «Unitel» МЧЖда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида газетамиз орқали хабар берган эдик. Хўш, компаниянинг 2007 йилдаги режалари қандай? Бу ҳақда «Билайн» савдо белгиси остида фаолият юртивчи «Unitel» МЧЖ Бош директори Евгений Рубан билан суҳбат уюштирдик.



Бозордаги улуш 36 фоизга етказилади

— 2007 йилдаги режаларимиз куйидагилардан иборат:

1. Бутун тармоқ бўйлаб GPRS.
2. Кенгайиш борасида МТС билан тенглик.
3. Кўпгина мамлакатлар билан samel-роуминг ва худудий тарифлаш.
4. Умумий аванс/кредит ва кўчувчи почта.

Мақсадимиз:

1. Бозордаги улушни — 36 фоизга етказиш.
2. Дилерлик тармоғини икки бараварга кўпайтириш.
3. Рекламада устунликка эришиш.

Ўзбекистон худудида тақдим этаётган хизматларининг афзаллиги нимада?

- Абонент тўловининг йўқлиги;
- Тармоқ ичидаги кириш кўнгируқларининг бепуллиги;
- Телефоннинг ўчирилиши — балансида нол қолган ҳолатда;
- «Электрон» ҳисобда маблаг қолмаганда, яъни нол бўлган

ҳисобда ҳам 60 кун мобайнида тармоқ ичида кириш кўнгируқлари ва SMSни қабул қилиш имконияти.

— Ҳозир «Unitel» ва «Билайн» хизматларининг бир-биридан қандай фарқи бор?

— «Билайн» тариф режасига эга абонентларнинг «Unitel» тариф режасидаги абонентлардан фарқли томонларидан бири — уларда депозитларини нол балансгача фойдаланишга имкон берадиган ва сониявий тарифланадиган янги хизмат пакетларининг мавжудлигидир. Янги онлайн-биллинг тизими «Билайн» абонентларига ўз ҳисобларидаги маблагнинг реал

бир вақтдаги ҳолатини билишга имкон яратди.

— Янги йилдан эътиборан «Unitel»нинг барча мижозлари «Билайн» тариф режаларига ўтказилиши айтилмоқда...

— «Unitel» тариф режасидаги абонентлар «Билайн» хизмат кўрсатиш платформасига ўтказилаётганда, аввалгисига ўхшаш тариф режалари ишлаб чиқилди ва бунда, албатта, абонентларнинг хоҳиш-истаги инobatга олинади. Ушбу қарор абонентларга «Билайн»нинг онлайн-биллинг ва бошқа кўринишдаги афзалликларидан фойдаланишга шароит яратди.

— Мижозларга хизмат кўрсатиш сифати кўпчиликти қизиқтирмоқда. Бу борада қандай янгиликлар бўлади?

— Ўзбекистон бозорига киргач, биз абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда анчагина ишларни амалга оширдик. Шулардан бири — мижозларни қўллаб-қувватлаш Маркази ва онлайн-биллинг тизимининг ишга туширилишидир.

Тўловларни қабул қилишнинг учинчи шахслар орқали амалга ошириладиган дастурини ҳам ишга туширмоқчимиз. Унга кўра, абонентлар ўз электрон ҳисобларини нафақат экс-

пресс-карталар ёрдамида, балки нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан йирик савдо марказларида, жумладан, супермаркет ва бозорларда ҳам тўлдиришлари мумкин бўлади.

2007 йилнинг биринчи чорагидан эътиборан корпоратив мижозларимиз учун тўловнинг аванс-кредит тизимини татбиқ этишни режалаштирганмиз.

— Келгусида яна қандай технологияларни олиб кириш режалаштирилган?

1. Онлайн роумингини ишга тушириш.
2. MMSни янги платформада жорий қилиш.
3. Ҳисоб-китобнинг postpaid тизимини ишга тушириш.
4. GPRS барча тармоқ худудида.

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди

Бош вазифамиз

Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш Маркази — UZINFOCOM республикамизда компютерлаштиришни ривожлантириш ва АКТни татбиқ этиш бўйича ўтган йилда эътиборга лойиқ ишларни амалга оширди. Кириб келган янги — 2007 йилда ҳам Марказ томонидан бу соҳада бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.



имконияти яратилади. Бу турдаги хизматни 2007 йил январ ойининг иккинчи ярмида жорий этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, тармоқ учун янги тижорат ва имтиёзли тарифлар 2007 йилнинг 1 январидан қўлга кирди. Шунингдек, ушбу тармоқни янги ва замонавий коммуникация асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Бунинг натижасида тармоқ томонидан кўрсатиладиган хизмат сифати ортиб, янада кўпроқ мижозлар учун хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

Марказ томонидан Миллий ахборот-излаш тизими — www.uzni ривожлантириш, унинг ахборот ресурсларини шакллантириш ва кенгайтириш бўйича кенг қамровли ишлар ва муайян чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Амалдаги йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва кучайтириш режалаштирилган. Келажакда ушбу ахборот-излаш тизими Интернетнинг миллий сегментини барча фойдаланувчилар учун исталган ахборотни излаш жараёнида ягона омил бўлиши лозим.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти www.gov.uz расмий порталининг техник ва ахборот таъминоти ҳам амалга оширади. Ушбу портал ёрдамида республикамизнинг барча давлат ва ижроия органларига ягона тизим орқали муурожаат этиш ва керакли маълумотларни олиш имкони мавжуд. 2007 йилда ҳам ушбу Давлат порталининг ахборот ресурсларини кенгайтириш, портални ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Жалолиддин РАҲИМОВ,
UZINFOCOM маркази директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги Қарорига асосан, Ziyonet жамоат-таълим ахборот тармоғи Марказ таркибида ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида ушбу тармоқ ривожланиб, янгидан-янги ахборот ресурслари билан бойиб борди. 2007 йилда Марказ томонидан тармоқни кенгайтириш, мамлакатимиздаги мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларни Ziyonet тармоғига улаш, давлат бошқарув ва ижро органлари веб-саҳифаларини яратиш, уларни Ziyonet тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, улар-

га электрон почта хизматларини кўрсатиш борасида ишларни амалга ошириш мўлжалланган.

Мавжуд ахборот ресурслари хавфсизлигини сақлаш ва таъминлаш — асосий диққат-эътиборимизда турган вазифалардан бири. Марказда Марказий Осие худудида биринчи бўлиб 2005 йилнинг кузида компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати (UZ-CERT) ташкил этилган. Ушбу бўлим 2007 йилда ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, чунончи, корхона, ташкилотлар ички ва ташқи тармоқларининг ахборот хавфсизлиги аудитини ўтказиш, ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш, ахборот хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш ва керакли тавсиялар бериш каби ишларни амалга оширади.

Марказ таркибига кирувчи UzSciNet илмий-маърифий тармоғи ўз ичида республикамизнинг барча илмий-текшириш ва академик институтларини, мактаблар, лицейлар, коллежлар, кутубхоналар, музейлар, нодавлат-нотижорат ва ижтимоий ташкилотлар, уюшмаларни, шунингдек, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва ўқувчиларни бирлаштиради. Бундан мақсад, фойдаланувчилар учун имтиёзли нархлар бўйича Интернетга уланиш ва шу орқали жаҳондаги фан, техника, таълим соҳаларида қўлга киритилган энг сўнгги ютуқлар, ихтиро ва кашфиётлардан воқиф бўлиш, уларни татбиқ қилиш имконини яратишдир. Жорий йилда тармоқдан фойдаланувчилар учун Интернетга улаанишнинг янги тури, яъни Интернет-карточкалар орқали улааниш

Итоги и планы ГКРЧ

10 января текущего года состоялось очередное заседание Государственной комиссии по радиочастотам Республики Узбекистан (ГКРЧ).

Основными вопросами повестки дня заседания были: подведение итогов работы ГКРЧ за прошедший год и план работы на 2007 год. На заседании было отмечено, что все мероприятия предусмотренные планом работы в целом выполнены. Проведена большая работа по подготовке и участию в работе Региональной конференции радиосвязи Международного союза электросвязи по переходу с аналогового на цифровое вещание, на которой заявка Администрации связи Узбекистана на выделение частот для цифрового вещания удовлетворены на 100%.

Были рассмотрены вопросы о работах по созданию единого

регистра радиочастот, проводимой в соответствии со ст. 17 Закона Республики Узбекистан «О радиочастотном спектре», о ходе опытной эксплуатации, проводимой пользователями радиочастотного спектра в выделенных полосах частот в соответствии с принятыми решениями ГКРЧ, о ввозе и использовании радиоэлектронных средств на территории республики.

На заседании Комиссии утверждён План работы ГКРЧ на 2007 год, которым предусматриваются мероприятия по реализации Заключительных актов Региональной конференции радиосвязи связанных с перехо-

дом на цифровое вещание, по подготовке к Всемирной конференции радиосвязи ВКР-07, по пересмотру Закона Республики Узбекистан «О радиочастотном спектре», а также другие мероприятия по регулированию использования радиочастотного спектра.

В ходе заседания рассмотрены и одобрены проекты нормативных документов по внесению изменений и дополнений в Положение о порядке регулирования использования радиочастотного спектра и радиоэлектронных средств на территории Республики Узбекистан, и Инструкцию о порядке организации доступа радиочастотных органов к национальной сети радиомониторинга.

На заседании Комиссии был рассмотрен ряд других вопросов рационального и эффективного использования радиочастотного спектра. По обсужденным вопросам приняты соответствующие решения.

Наш корр.

В условиях глобализации мировой экономики, расширения торгово-экономических отношений для удовлетворения требований потребителей на предприятиях и организациях всех форм собственности и всех видов деятельности из года в год растёт интерес к внедрению систем менеджмента качества — современных методов управления, основанных на достижениях международного опыта.



СМК — современные методы управления

Наибольшую известность в мире приобрели системы менеджмента качества (СМК) на базе международных стандартов ИСО серии 9000. В последнем отчете ISO (The ISO Survey of Certifications), опубликованном в конце 2006 г., сообщается о наличии сертифицированных СМК почти у 800 000 предприятий в 161 стране мира, что свидетельствует о глубоком проникновении стандарта ISO 9001 в мировую экономику и его широком применении во всех сферах производства продукции (услуг).

Правительство Республики Узбекистан, учитывая важность повышения качества и конкурентоспособности продукции и расширения экспортного потенциала, уделяет особое внимание внедрению систем менеджмента качества на предприятиях Узбекистана, о чем свидетельствует принятие за последние два года соответствующих Постановлений Кабинета Министров РУз.

В настоящее время расширяется количество предприятий сферы связи и информатизации Республики Узбекистан, осознающих необходимость применения современных методов менеджмента для повышения эффективности своей деятельности и инициирующих у себя деятельность по внедрению СМК.

Конечно же, не мог остаться в стороне от этих мероприятий Центр научно-технических и маркетинговых исследований (ЦНТМИ), в котором проводятся приоритетные научно-исследовательские работы в интересах отрасли связи и информатизации и других секторов экономики страны. В связи с особенностями стоящих перед ЦНТМИ задач и наличие крупных подразделений, представляющих различные виды услуг, руководством было принято решение о поэтапном внедрении СМК в ЦНТМИ.

Первым шагом в этом направлении стало создание, внедрение и сертификация на соответствие требованиям международного стандарта ISO 9001:2000 СМК в аккредитованных при ЦНТМИ Органе по сертификации технических средств телекоммуникаций (ОСТСТ) и Сертификационном испытательном центре технических средств телекоммуникаций (СИЦТСТ).

За более десятилетний период своей дея-

тельности ОСТСТ и СИЦТСТ выполнили сертификацию свыше 800 типов новейших технических средств телекоммуникаций, поставляемых в Узбекистан такими известными фирмами как: "Italtel" (Италия); "Siemens AG" (Германия); "Alcatel Sel AG" (Германия); "Daewoo Telecom" (Южная Корея); "Ericsson" (Швеция); "Motorola" (США); "Nokia" (Финляндия); "NEC Corporation" (Япония); "YUASA Corporation" (Япония); "Morion" (Российская Федерация); "Nortel Networks" (Канада); "Huawei Technologies Co., Ltd" (Китай); "Iskratel" (Словения); "Harris Corporation" (США); "ZTE" (Китай) и т.д.

Основной задачей менеджмента качества в ОСТСТ и СИЦТСТ является непрерывное совершенствование выполняемых процессов, что позволит постоянно повышать качество предоставляемых услуг по сертификации.

Разработанная система менеджмента качества охватывает организационную структуру ОСТСТ и СИЦТСТ, документацию, процессы и ресурсы, используемые для достижения поставленных целей в области качества работ по сертификации и повышения удовлетворенности потребителей.

В управлении всеми процессами СМК обеспечена реализация цикла PDCA (Plan-Do-Check-Action) на основе объективных показателей результатов выполнения процессов, что обеспечивает возможность результативного управления ими для достижения поставленных руководством целей в области качества.

Правильность выбранного ЦНТМИ подхода была подтверждена в ходе успешной сертификации СМК, выполненной аккредитованным органом по сертификации СМК при Научно-исследовательском институте стандартизации, метрологии и сертификации агентства "Узстандарт".

В настоящее время продолжают работы по разработке системы менеджмента качества в других подразделениях ЦНТМИ с целью достижения в целом сертификации ЦНТМИ.

Рихис ИСАЕВ,
первый заместитель
директора ЦНТМИ, руководитель ОСТСТ

ZiyoNET—анонс*

Как проходит

«знакомство с бизнесом»

ВОПРОСАМ применения в учебном процессе профессиональных колледжей и бизнес-школ республики учебной программы Международной организации труда (МОТ) «Знакомство с бизнесом» был посвящен семинар, состоявшийся в Центре развития рыночных навыков. Учебный курс «Знакомство с бизнесом» используется в более чем 50 странах мира. Участниками и организаторами семинара выступили представители Международной организации труда, Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, Торгово-промышленной палаты, Центра среднего специального и профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования республики, Общественного движения молодежи Узбекистана «Камолот».

Новая книга об Узбекистане издана в Германии

НАКАНУНЕ Нового года в Германии вышла в свет книга-справочник «Узбекистан — 15 лет независимости» на немецком языке.

Издание осуществлено посольством нашей страны в ФРГ совместно с редакцией журнала «WOSTOK». Как сообщает ИА «Жахон», данный справочник рассчитан на широкий круг читателей, как специалистов-страноведов, так и представителей политических, деловых и научно-культурных кругов Германии. Тираж книги составляет 3 тысячи экземпляров.

Основной целью справочника является ознакомление немецких читателей с происходящими преобразованиями в Узбекистане, достигнутыми успехами за годы независимого развития, а также раскрытие потенциальных возможностей Узбекистана для углубления сотрудничества во всех сферах.

Стипендии от фермера

СТИПЕНДИИ лучшим ученикам школы № 3, что в кишлачном сходе граждан Богимусо Пешкунского района, учредил руководитель фермерского хозяйства «Анвар» Т.Рахмонов.

По итогам первого полугодия их обладателями стали Д.Тиллаева, А.Салимова, Н.Бурунов, Н.Бердиева, Ф.Джумаева, Д.Рахмонов и другие.

Как сообщает НИА «Туркистон-пресс», при отборе претендентов учитывались как их успехи в учебе, так и участие в общественной жизни школы.

Учитель, ученик и компьютер

2006-2007 учебный год Министерство народного образования назвало «Годом повышения потенциала педагогических кадров по использованию информационно-коммуникационных технологий».

Сегодня уровень оснащенности школ компьютерной техникой в стране — примерно 30 процентов. Благодаря грантам и кредитам Азиатского банка развития, договорам с Республикой Корея, Японией, Китаем предусмотрена поставка комплектов необходимого оборудования.

Для каждого учителя Узбекистана компьютер должен стать помощником, чтобы дать ученику наибольшую и емкую информацию о предмете, новых знаниях, возможностях. У столичных преподавателей уже есть такой опыт.



* Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET
www.ziynet.uz

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Оттин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури.
«Новий уммон қариди».
«Бозалар сайериси».
9.10 1. «Ўйла, Изла, Топа»
Телемуҳожа.
2. «Винни Пухнинг саргушайшлари». Мультисернал.
10.20 «Оттин бешиқ».
10.50 «Мотив ва бонх хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Оила ришталари».

12.00 «Дит таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Ортин бўйлаб дастури».
«Оттин воқия устлари».
12.40 «Бир асар тарихи».
13.05 «Икки тақдир». Телесернал.
13.50 Оттин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
«Жиловламанган Африка».
Ҳужжатли фильм.
15.10 «Дит таронаси».
15.15 «Ватанпарвар».
«Бозалар сайериси».
16.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

16.40 «Ақд ва идрок».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.40 «Тарих кўзати».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Ешикка ўргансан ҳунар»
«Ошин». Телесернал.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва миқоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари».

Телесернал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.00 «Еринг муниси эгасини товиши — доларб масала».
22.00 «Икки тақдир». Телесернал.
22.45 «Қушигимсан, мураббат»
(SMS Овоз Берчи)
22.55 «Олам ва одам» дастури.
«Новий уммон қариди».
23.20-23.25 Тунги наволар.

YOSHLAR

Профилактика муносабати билан
«Yoshlar» телеканали ўз курсатувла-
рини соат 15.55дан бошлайтиди.

15.55 Дастур очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур йури.
16.20 Ешик наволари.
16.30 Интэрфутбол.
16.40 Радиоан қўрсатмаид.
18.20 2007 — Иқтисодий ҳром
Йиле «Муруват».
18.30 Янги наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севинганлар». Сернал.
20.10 JOKER телелогореси.
20.15 Тасвир ва тасвурот.
20.35 Давр-репортаж.
20.45 Наво-SMS.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Мураббат дардлари». Сернал.
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.45 «Саломея». Сернал.
23.35 — 23.40 Тафаккур нури.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 Салом, Тошкент» Кўнгилоҳар
информацион мусиқий дастур.
8.23 «Гавдултур», Телесернал.
9.15 «Эслийсизми, ёнингизидами?»
9.20 «Телекурер-маркет».
9.40 «Аёл қарби».
10.05 «Муника SMS».
10.25 «Саломат бўлинг/рус/».
10.35 «Интервью/рус/».
10.45 «Анон».
10.50 — 12.15 Кино: «Мамуазел
мушкетер» 1-қисм/рус/».
17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Мультифильм «Денгиз
итлари».
18.05 «Телекурер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гавдултур», Телесернал.
19.30 Муника SMS.
19.50 «Химом».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
/рус/».
20.20 Хайонат дунёси: «Мануст-
лар». 2-қисм/рус/».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жойба».
21.25 «Эслийсизми, ёнингизидами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурер-маркет».
22.10 «Премьер».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
/рус/».
22.50 Кино: «Мамуазел
мушкетер». 2-қисм/рус/».
23.50 — 23.55 Хайри тун, шаҳрим».

SPORT

7.00 «Барам бўлин».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.20 «Бозалар спорти».
8.35 Мультисернал.
9.05 «Мадахов ++»
10.00 «Хабарлар» (ўзб тилида)
10.20 «Детективлар».
10.50 Теннис. Австралия очиқ
чемпионати.
11.50-12.10 Миллий эстрада
оркестрининг концерти.
18.00 «Бозалар спорти».
18.15 Мультифильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
«Ўз-ўзинга режиссер».
19.30 Футбол мушкул.
20.00 «Вестин».
20.20 «Гурур». Сернал.
21.00 «Бохадирлар ўйини».
21.30 «Опарлар» (ўзб тилида)
21.50 «Апар-сингил Бронте».
Бадий фильм. 1-қисм.
22.50 Еврофутбол. Англия премьер
лигаси «Челси» — «Уиган».
00.25 «Тунингиз осуда бўлин».

БИРИНЧИ

5.10 «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.05 «Мадахов ++»
10.00 Т/с «Вечный зов».
11.00, 19.55 Т/с «Сестры по крови».
12.10 «Понять. Простить»
12.40 «Лолита. Без комплексов»
13.25 «Детективы»
14.00 Другие новости
14.25 «Контрольная закупка»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.15 Вне закона. «Душприказ-
чик»
15.50 Т/с «Любовь как любовь».
16.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с
субтитрами)
18.20 Т/с «Пять минут до метро».
19.10 «Пусть говорят»
21.00 Время
21.30 Т/с «Новый русский
романс».
22.30 «Я умерла вместе с ним»

23.30 Ночные новости
23.45 Искатели. «Исчезнувший
миллиард»
0.35 Ударная сила. «Умные
спириты»
1.20 Х/ф «Банда Келли»

РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия»
08.45 Д/ф «Марек Хальтер. Сын
Библини и Александр Дюма».
09.45, 13.45 «Вести. Дежурная
часть».
10.00, 11.50, 21.15 Т/с «Вызов»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести».
11.30, 14.20, 16.40, 20.45 «Местное
время. Вести — Москва».
12.50 «Частная жизнь»
14.40 «Суд идет»
16.00 «Кулагин и партнеры»
17.15 Т/с «Обремененная стать
звездой».
18.15 Т/с «Ангел-хранитель».
19.00 Т/с «Волчица»
21.05 «Спокойной ночи, малыши»
23.15 «Три тайны Гоголя».
00.15 «Вести ++»
00.35 Х/ф «Обратная тяга».

НТВ

06.00 «Сегодня утром»
09.05 «Наше все»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00
«Сегодня».
10.20 «Особо опасен»
11.00 Т/с «Таксистка 3».
12.00 «Две правды»
13.30 Т/с «Слепой 2».
14.35 Т/с «Жизнь — поле для
сражений»
15.30, 18.30, 21.50 «4 чрезвычайные
произшествия. Обзор».
16.30 Т/с «Возвращение Мухомар».
19.40 Т/с «Врачебная тайна».
20.45 Т/с «Слепой 2».
22.40 Т/с «Салли. Lives».
23.40 Т/с «Молодые и злые».
00.45 «Тор gear»
01.15 Т/с «Возвращение Мухомар».
Профилактика.

КУЛЬТУРА

06.30 Канал «Еврономос»
10.00, 19.30, 23.30 «Новости
культуры»
10.20 «В главной роли...»
10.45 Д/ф «Погружение в
Карибском море».
11.15 Х/ф «Фара»
12.30 М/с «Картофельны и
драконы»
12.50 «Тем временем»
13.45 «Academi»
14.10 Д/ф «Евгений Онегин»
Глава X»
14.45 Х/ф «Легенное дело судьи
Ивановой»
16.05 «Театральная летопись»
16.35 М/ф «Кто ж такие спички»
16.50 Т/с «Дрессировщики»
17.15 Д/ф «Империца с китами»
17.45 «Порядок слов»
17.55 Музыка-2006»
19.00 «Ночной полет»
19.55 Д/с «Чудесная планета»
20.50 «Больше, чем любовь»
21.35 Д/ф «Империца Королева»
22.00 Д/ф «Дома Хорта в
Брюсселе. Под стеклянными
бадхизинами»
22.20 «Алоприк»
23.00 «Кто мы?»
23.55 Х/ф «Великолепные
Эмберсонсы»
01.20 «О Чехове».
Профилактика.

СТС

На СТС до 16.00 профилакти-
ческие работы.
16.00 Мультисернал.
18.30 «КОМИССАР РЕКС»
19.30 ЗАВТРА БУДЕТ
ЗАВТРА»
20.30 «ПАПА НА ВСЕ РУКИ»
21.00 «КТО В ДОМЕ ХОЗЯ-
ИН?»
22.00 «КАДЕТСТВО»
23.00 «УБОЙНАЯ СИЛА»
0.00 Х/ф «ГОРОДСКИЕ
ЛЕГЕНДЫ-2»
2.30 «КТО В ДОМЕ ХОЗЯ-
ИН?»

ТВЗ

08.00 Победоносный голос.
08.30 М/ф.
08.45 Х/ф «Жажд»
10.30 Т/с «Комната смеха»
11.00 Х/ф «Костер тешелавия»
13.30 Х/ф «Чаролен»
15.00 Скetch-шоу.
15.30 Комната смеха.
16.00 Х/ф «Погоня в подземке»
18.00 Х/ф «Таскный роман»
19.00 Киноматини.
21.00 Х/ф «Рунисский камень»
23.00 Х/ф «Незвучащи»
01.00 Т/с «Клиент всегда мертв»
02.00 Х/ф «Близнещи».

ДТВ

08.30 М/ф.
10.00 Самое смешное видео.
16.30, 17.30 Д/с «Как ухажива
кумры». Л. Овчинникова.
19.00 Телематини.
21.00 Х/ф «Кавказский вал ++»
11.55 Х/ф «Обитель зла»
14.00 Т/с «Секретный агент
Маккайгер»
15.00 Т/с «Детектив Наш
Бридж»
16.00, 22.25 «Каламбур»
16.30 М/ф.
18.00 Х/ф «Веселенькая поскда»
20.00, 01.30 Самое невероятное
видео.
21.00 Т/с «Секретный агент
Маккайгер»

09.00 Самое смешное видео.
23.30 «Осторожно, афера!»
23.30 Т/с «С.С.И. Место
преступления Лас-Вегас»
01.00 Голые и смешные.
02.55 Девушки в бикини.

ТНТ

05.45, 19.30, 00.50 Москва:
инструкция по применению.
06.10 Т/с «Любовь и тайны
Сансет Бич».
07.00 «Глобальные новости»
07.05 М/с «Ракетная мош»
07.30 М/с «Дикая семейка
Торнберри»
07.55 М/с «Новая жизнь Рокко»
08.30 «Замуж за миллионера»
10.05 «Запретная зона»
11.00 Т/с «Счастливы вместе»
12.00 М/с «Даша-следопыт»
12.30 М/с «Настоящие
мистрия»
13.00 М/с «Как говорит
Джиджи»
13.30, 19.00 Такси.
14.05 Денги на проезде.
15.05 Комедия «Луни Глоуз
Снова в деле»
17.00, 21.00, 00.20 Дом 2
18.00 Т/с «Счастливы вместе»
20.00 Голые стены.
22.00 Комедия «Завоизит».

Хабар +tv

2007-йил, 12-январь
2 (747)-son

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахдинома».
8.50 «Оттин мерос»
9.00 «Олам ва олам» дастури.
«Мовий уммон қариди»
«Болалар сайраси»
9.50 «Очқуз қачан!» Спектакль премьераси.
10.30 «Оналар мактаби»
10.50 «Бизнес индустриялари»
10.55 «Дуёне иқлими»
11.00 «Ахборот»
11.15 «Дил таронаси»
11.25 «Одамни эрсанг»
11.50 «Мени барибир эмас» Бадий фильм.
13.45 «Оттин мерос»
13.55 «Дуёне иқлими»
14.00 «Ахборот»
14.20 «Олам ва олам» дастури.
«Живовилмаган Африка»
«Хуждали фильм»
15.10 «Дил таронаси»
15.15 2007 йил - Иқтисодий ҳимоя йили. «Иқтисодий ҳимоя»
15.40 «Муқаддас юрт эълонлари»
«Болалар сайраси»
16.40 «Эрталаклар - жашликка етаклар»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Оттин мерос»
17.20 «Мен аскар бўламан»
«O'zbektelefilm» премьераси.
17.40 «Нисон ва саломатлик»
18.00 «Оҳанглар огушқала»
18.10 «Муқаддас қадимжолар»
18.30 «Ойини» Телесериал.
19.00 «Альдо уйинчи»
19.15 «Мояна ва баник хабарлари»
19.20 «Дуёне иқлими»
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор»
20.10 «Ойла рингалари»
Телесериал премьераси.
20.50 «Дуёне иқлими»
21.00 «Ахборот»
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир» Телесериал премьераси (Ҳиндистон)
22.50 «Қўшгинлар, муҳаббат» (SMS, Шовз берил)
23.00 «Олам ва олам» дастури.
«Мовий уммон қариди»
23.25-23.30 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастур очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Тафаккур нури.
16.20 Journal.
16.40 Истифбол тимсолари.
16.50 Ватаи ҳимоятчилари кўнига бадишанган.
тантанали йиғилиш ва концерт (такрор)
18.20 Мардалар қўриқлайди Ватаним!
18.30 Янги наволар.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севилганлар» Сериал.
20.10 UzEX.
20.15 Муқаддас сеҳри.
20.50 Наво-SMS.
21.00 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат даралари»
22.00 ДАВР.
22.30 Янги наволар.
22.45 «Саломат» Сериал.
23.35 - 23.40 Тафаккур нури.

TOSHKENT

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Мультифильм. «Денгиз итлари».

ДУШАНБА — 15 ЯНВАР

18.05 «Телекурьер - маркет»
18.30 «Пойнтак» ахборот дастури.
18.50 «Ғадалуле» Телесериал.
18.50 «Музыка SMS»
19.50 «Саломат бўлинг»/рус/
20.00 «Пойнтак» ахборот дастури.
20.20 Хайвонат дунёси:
«Мангустар», 1-қисм/рус/
21.00 «Интервью»/рус/
21.00 «Жозоба»
21.25 «Эсалбасими, едигиздаими?»
21.30 «Пойнтак» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер - маркет»
22.10 «Аёи ҳаёти»
22.30 «Пойнтак» ахборот дастури.
22.50 Кино: «Маймузал мушкетер» 1- қисм/рус/
00.15 - 00.20 Хайри тун, шарҳим.

SPORT

7.00 «Бардам бўлинг»
8.00 «Версия» Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Болалар спорт»
8.50 «Балчици ва балик ҳақида эртак» Мультифильм.
10.00 «Ғалқин» Информацион-таҳлилий кўрсатув.
10.30 «Детективлар»
11.00-11.20 «Мониторинг»
18.00 «Болалар спорт»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Ким нимга ҳақир?»
19.10 «Мени купуле»
20.00 «Вести»
20.25 «Тет-а-тет»
20.35 «Гурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 ПрофРИИГ
22.40 Хоккей. Европа чемпионлар кубоги. Финал.
00.10 «Тунингиз осуда бўлинг»

БИРИНЧИ

5.00 «Добро утро»
9.00 Новости
9.15 Муз фильм
11.05, 20.00 Т/с «Сестры по крови»
12.00 Новости
12.15 «Понять. Простить»
12.40 «Долгит. Без комплексов»
13.30 «Детективы»
14.00 Другое новости
14.25 «Контрольная закупка»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.15 Криминальная Россия.
«Ловушка для одинокого мужчины», 1-я серия
15.50 Т/с «Любовь как любовь»
16.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 Т/с «Пять минут до метро»
19.10 «Жди меня»
21.00 Время
21.30 Т/с «Новый русский романс»
22.30 «Дачные войны. Кровь за кровь»
23.30 Ночные новости
23.50 Теория вероятности.
«Любовь из интернета»
0.35 «Гени и злодеи»
Стивенсон
09.00, 11.00, 15.00, 19.35, 22.25, 02.15
«Вести-спорт».
10.40 «Бинго миллион».
Результаты розыгрыша.
11.10 «Сборная России». О. Андрианова.
11.45 Рыбалка с Радзишевским.
12.05 Хоккей. Чемпионат России.
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
15.20 Дневник зимней Универсиады.
15.35 Битлзон. Кубок мира. Масс-старт. Женщины.
16.30 «Самый сильный человек».
Кубок мира-2006. Лучшее.
17.35 Битлзон. Кубок мира. Масс-старт. Мужчины.
18.35 Хоккей. Чемпионат России. 1 период.
19.45 Хоккей. Чемпионат России. 2 и 3 периоды.
21.15 Баскетбол. Кубок мира. Мужчины. Четыреки.
22.35 «Вести-спорт. Местное время»
22.40 Волейбол. Чемпионат России. Женщины. «Динамо» - «Казаночка»
00.10 Футбол. Чемпионат Англии. «Уинг» - «Эвертон».

Якшанба

07.00, 09.10, 11.45 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.45, 22.50, 02.15
«Вести-спорт».
11.10 «Легенды спорта».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
15.15 Дневник зимней Универсиады.
15.50 Точка отрыва.
16.20 Баскетбол. Кубок мира. Женщины.
17.40 Футбол. Чемпионат Англии. «Ливерпуль» - «Челси»
19.35 Баскетбол. Чемпионат России. Мужчины ЦСКА - УНИКС.
21.45 Битлзон. Кубок мира. Гонка преследования. Мужчины.
23.00 «Вести-спорт. Местное время»

РТР-Спорт

Душанба

07.00, 09.10, 11.10, 15.10, 20.00, 02.45
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.50, 23.00, 01.25
«Вести-спорт».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
23.10 «Самый сильный человек».
Кубок мира-2006. Лучшее.
00.15 Футбол. Обзор матчей чемпионата Англии.
01.35 Рыбалка с Радзишевским.
01.55 Автопорт. «Дакар-2007»

Сешанба

07.00, 09.10, 11.10, 15.10, 19.15, 23.25
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 20.10, 23.15, 02.15
«Вести-спорт».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
16.55 Хоккей. Чемпионат России.
20.20 Автопорт. ЧМ по ралли. «Ралли Монте-Карло». Пролог.
20.55 Хоккей. Чемпионат России.
00.25 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. «Порто» - «Докмогил-Белогорье».
02.25 Автопорт. «Дакар-2007»

Чоршанба

07.00, 09.10, 11.10, 15.45, 21.05, 23.30
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.40, 23.15
«Вести-спорт».
12.05 Хоккей. Чемпионат России.

17.20 «Путь Дракона».
18.10 Битлзон. Кубок мира. Спринт. Женщины.
19.35 Баскетбол. Евролига. Женщины. «Спартак» - «УСО Мондевиаль Баскет».
22.00 Баскетбол. Евролига. ЦСКА - «Жальгирис».
00.00 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. «Динамо» - «Пари Волея»
02.15 Автопорт. «Дакар-2007».
03.05 Битлзон. Кубок мира. Спринт. Женщины.

Пайшанба

07.00, 09.10, 11.10, 15.10, 22.50
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.50, 22.40, 02.10
«Вести-спорт».
13.30 «Путь Дракона».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
18.10 Битлзон. Кубок мира. Спринт. Мужчины.
20.00 Точка отрыва.
20.30 Хоккей. Чемпионат России.
00.25 Баскетбол. Евролига. «Ле Ман» - «Динамо»
02.20 Автопорт. «Дакар-2007»

Жума

07.00, 09.10, 11.10, 15.45, 21.05, 23.30
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.40, 23.15
«Вести-спорт».
12.05 Хоккей. Чемпионат России.

14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 Дневник зимней Универсиады.
17.50 Рыбалка с Радзишевским.
18.10 Битлзон. Кубок мира. Гонка преследования. Женщины.
19.00 Скелетон. Кубок мира. Женщины.
19.35 Скелетон. Кубок мира. Мужчины.
21.35 «Вести-спорт. Местное время»
01.05 Зимняя Универсиада-2007. Фигурное катание.

Шанба

07.00, 09.10, 11.45 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.45, 22.50, 02.15
«Вести-спорт».
11.10 «Легенды спорта».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
15.15 Дневник зимней Универсиады.
15.50 Точка отрыва.
16.20 Баскетбол. Кубок мира. Женщины.
17.40 Футбол. Чемпионат Англии. «Ливерпуль» - «Челси»
19.35 Баскетбол. Чемпионат России. Мужчины ЦСКА - УНИКС.
21.45 Битлзон. Кубок мира. Гонка преследования. Мужчины.
23.00 «Вести-спорт. Местное время»

23.05 Хоккей. Чемпионат России.
01.10 Баскетбол. Кубок мира. Мужчины. Двойки.
07.00, 09.10 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.35, 22.25, 02.15
«Вести-спорт».
10.40 «Бинго миллион».
Результаты розыгрыша.
11.10 «Сборная России». О. Андрианова.
11.45 Рыбалка с Радзишевским.
12.05 Хоккей. Чемпионат России.
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
15.20 Дневник зимней Универсиады.
15.35 Битлзон. Кубок мира. Масс-старт. Женщины.
16.30 «Самый сильный человек».
Кубок мира-2006. Лучшее.
17.35 Битлзон. Кубок мира. Масс-старт. Мужчины.
18.35 Хоккей. Чемпионат России. 1 период.
19.45 Хоккей. Чемпионат России. 2 и 3 периоды.
21.15 Баскетбол. Кубок мира. Мужчины. Четыреки.
22.35 «Вести-спорт. Местное время»
22.40 Волейбол. Чемпионат России. Женщины. «Динамо» - «Казаночка»
00.10 Футбол. Чемпионат Англии. «Уинг» - «Эвертон».

Якшанба

07.00, 09.10, 11.45 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.
09.00, 11.00, 15.00, 19.45, 22.50, 02.15
«Вести-спорт».
11.10 «Легенды спорта».
14.05 Автопорт. «Дакар-2007».
15.10 «Вести-спорт. Местное время»
15.15 Дневник зимней Универсиады.
15.50 Точка отрыва.
16.20 Баскетбол. Кубок мира. Женщины.
17.40 Футбол. Чемпионат Англии. «Ливерпуль» - «Челси»
19.35 Баскетбол. Чемпионат России. Мужчины ЦСКА - УНИКС.
21.45 Битлзон. Кубок мира. Гонка преследования. Мужчины.
23.00 «Вести-спорт. Местное время»

JAHON POCHTASI

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)



НАВҚИРОН ПОЧТА ТАШКИЛОТИ

Словения почтаси фаолиятига назар

Келажакни ўйлаб

Бир томондан, мижозлар томонидан қўйилаётган талаблар ошиши ва почта бозорининг либераллашиб бораётганлиги, яна бир томондан, телекоммуникация технологияларининг изчил ривожланаётганлиги Словения почтаси учун кескин рақобат муҳитини юзага келтирди.

Мамлакатда курерлик хизматлари кўрсатувчи хусусий компаниялар сони кўпаймоқда. Уларнинг почта ва курерлик хизматлари кўрсатишдаги улуши 2004 йили 10 фоизга өтди. Бундан ташқари, почта мазкур республикадаги яна кўплаб компаниялар учун ҳам қўшимча даромад келтирувчи фаолият турларидан ҳисобланади.

Словенияда почта бозори тўлиқ либераллашганидан сўнг унинг ҳудудида почта хизматлари кўрсатиш ҳуқуқи бошқа компанияларга ҳам берилди. Юзага келадиган рақобат муҳитига муносиб ҳозирлик қўриш учун Posta Slovenije Европа Иттифоқи доирасидаги стратегик ҳамкор — йирик ва бой тажрибага эга почта компанияларидан бири билан бирлаштишни режалаштиряпти. Стратегик ҳамкор орқали Словения почтаси халқаро бозорга чиқади ҳамда қулай ва арзон тармоқлар воситасида Европа экспресс-элитши ва логистика хизматлари бозорига боғланади. Биринчи босқичда стратегик ҳамкорга компаниянинг 25 фоиз акциялари сотилади. Ўтиш давриддан сўнг, ҳамкорлик натижалари батафсил сарҳисоб қилинган, шерик компаниянинг акциялар улуши 49 фоизга етказилиши мумкин.

Собик Югославия мамлакатлари почта бозорига чиқиш масаласи Словения почтасининг халқаро ривожланиш стратегиясига доир иккинчи йўналиш ҳисобланади. Ҳозир компания Македония почтасини сотиб олиш борасида музокаралар олиб

бугунлай янгилаш кўзда тутилган.

Мамлакатдаги барча почта бўлимларини ягона, кечаю кундуз ишловчи тармоққа бирлаштирувчи қурилмалар ва дастур таъминоти лойиҳасига ҳам катта ҳажмда инвестиция сарфланди. "Онлайн-тўловлар учун терминаллар ўрнатилиши ва қўшимча тармоқларнинг ишга туширилиши мижозларимизга юқори сифатли хизматларни тақдим этишимизда муҳим аҳамият касб этади", — дейди Словения почтасининг ахборот



боряпти, шунингдек, Черногория ва Хорватия билан ҳам ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиняпти.

Умуман олганда, 2006 йилги бизнес-режа асосида Словения почтаси ўз фаолиятида умумевропа бозорига маркетинг хизматлари кўрсатувчи компаниялар билан иттифоқлар тузиш ҳамда электрон тижоратни йўлга қўйиш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда.

Сармоялар қаерга сарфланяпти?

Словения почтаси 2003 йили инфратузилма ҳамда технологиялар соҳасига 27,5 миллион, 2004 йилда эса 25,3 миллион евро маблағ ажратди.

Posta Slovenijening инвестиция лойиҳаларидан бири ҳаво флотини ижарага олиш ёки ўз ҳаво флотини яратишга қаратилган. Бу усул почтани авиатранспорт орқали ташишни арзонлаштириш билан бирга, почтани элтишни тезлатади ва хизмат кўрсатишдаги тўхталишларга барҳам беради. Зиён билан ишлаётган почта бўлимлари ўрнига тезкор бўлимлар ташкил этилаётгани боис, компания автопаркини ҳам

технологиялари бўлими бошлиғи Горазд Куреч.

Муваффақият калити — ҳамкорликда

Словения почтаси шахсий ҳисоблардаги маблағлар, жамғармалар ва ҳужжатларни бошқаришни тезлатиш ва осонлаштириш ҳамда ҳужжатларни онлайн тартибда сақлаш ва архивлаш бўйича мамлакатдаги сертификатта эга тўрт ташкилотдан бирidir. Мамлакатдаги аксарият банклар почта хизмати сайтида жойлашган молиявий хизматлар тизимидан фойдаланади. Коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун тўловлар ҳам айнан Словения почтаси веб-сайти орқали амалга оширилади.


Айни пайтда кўплаб сугурта компаниялари Словения почтаси орқали ўз хизматларини тақдим этмоқда. Компания веб-сайтида жойлашган Интернет-дўкон хизматлари ҳам аҳоли орасида оммалашиб борапти. Бу ерда харидорларга марка ва ойнахатлардан ташқари, китоблар, ўраш материаллари ҳамда почта хизмати рамзи туширилган эсдалик буюмлари ҳам тақдиф қилинади.

ALOQA OLAMIDA

ГОЛЛАНДАЛАР РАҚАМЛИ ТВга ЎТИШДИ

НИДЕРЛАНДИЯ

телевидениеси тарихида аҳамиятга молик воқеалардан бири содир бўлди. Янги йил кириши арафасида мазкур мамлакатдаги барча телевизион каналлар ўз кўрсатувларини



тўлиқ рақамли стандартга узатишни бошлади. 1951 йили кириб келган аналог ТВдан буткул воз кечилди.

Рақамли узатишга ўтилиши Нидерландия ҳукумати-нинг йилига 14 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағни тежаб қолишига замин яратади.

Жорий йилда Белгия ва Скандинавия давлатлари, 2009 йили АҚШ, 2011 йилга бориб Япония рақамли стандартга ўтишни режалаштирган. Бошқа мамлакатларда ҳам синов-тестлар ўтказилмоқда.

CES-2007

ЛАС-ВЕГАС (АҚШ)да 9-11 январ кунлари йирик маиший электроника кўргазмаси — Consumer Electronics Show (CES) бўлиб ўтди.



Ўтган йили маиший электроника ва компьютер қурилмалари соҳасининг сўнгги ютуқлари 2700дан зиёд компания томонидан намоиш қилинган ва кўргазмага ташриф буюрганлар сони 140 минг нафардан ошган эди.

CES-2007 кўлами ҳам бундан кичик бўлмади. Кўргазмада AMD, Microsoft, Intel, Sony, Samsung, Sharp, Seagate, Hewlett-Packard ва бошқа кўплаб компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

SMS ОРҚАЛИ ТАБРИК

НЕМИСЛАР байрамларда қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) орқали бир-бирларини қутлашни урфга айлантиришмоқда. Германиянинг етачки уяли алоқа компаниялари берган маълумотларга кўра, Рождество таътиллари ва Янги йил кунлари немислар ўз телефонлари орқали 500 миллиондан ортиқ SMS-хабарлар йўллаган.



Германияда битта SMS-хабар жўнатиш нархи ўртача 19 центни ташкил этади ва йилига ҳар бир уяли алоқа воситаси эгаси бу хизматдан фойдаланишга ўртача 50 евро сарфлайди. Натижада компаниялар йилига 4 миллиард евродан ортиқ даромад олмақда. Бу — жами даромадининг 15 фоизини ташкил этади.

ТЕЛЕФОНИ "БЕЗОВТА" ҚИЛМАНГ!

МЁЛБУРН университети (Австралия) мутахассиси Кристина Сэтчелл мобил телефон эгаси нима билан бандлигини аниқлашда ёрдам берувчи тизим устида изланиш олиб борапти.



Тизимга махсус ахборот-белгилар ўрнатилган бўлиб, фойдаланувчи вазиятга қараб, улардан ўзига маъқули («иш», «дам олиш», «тадбир», «ухлаш», «автомобил бошқариш» ва «мулоқот учун очик»)ни танлайди. Бу бошқа кўнғироқ қилувчилар учун унинг мобил телефони қанчалик банд ёки бўшлигини аниқлатади.

Янгилик амалда ўзини қанчалик оқлайди — буни вақт кўрсатади.

"KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!" TANLOVIGA



да, республика, шаҳар телефон тармоқларининг барча абонентлари ўз телефонларидан код ёрдамида мамлакатнинг шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси билан боғланиш имкониятига эга бўлди. Алоқа тизимида яратилган барча имтиёزلардан Хоразм аҳолиси ҳам баҳраманд эди.

Алоқа воситаси Хоразмда биринчилардан бўлиб қўлланилганлиги эътиборга

Лойиҳага асосан 1997 йил давомида янги телефон станциялари ўрнатилган 19та бино янги талаблар даражасида таъмирланди. Бу ишлар учун корхона ҳисобидан 80 миллион сўм харажат қилинди. 1997 йилнинг октябридан бошлаб вилоят марказини Хива, Хонқа, Кўшқўпир, Шовот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманлари билан боғловчи оптик-толали кабелларни ётқизиш

ўзлаштирмоқдалар. Бу ниҳоятда қувонarli ҳол, чунки почта ва телекоммуникациянинг келажаги шу ёшлар қўлидадир. Янги алоқа жиҳозларини ўрнатиш ишларида япониялик мутахассислар билан бир қаторда маҳаллий муҳандис-техник ходимлар ҳам қатнашдилар. Япония ва Жанубий Корея техникаси сирларини пухта эгаллаган муҳандис-техник ходимлар барча ишларни тез

Хоразм алоқа тизими тарихи

(Давоми. Аввали газетамизнинг ўтган сонларида.)

1956 йил 5 ноябрдан Ўзбекистонда биринчи марта Тошкент телевизион маркази ишлай бошлади. Кейинчалик ретрансляция станциялари ёрдамида Андижон, Фарғона, Самарқанд ҳам телевизион кўрсатувлар билан таъминланди.

...Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Юсуф Муҳамедов ўз ишлари билан машғул эди. Кечки пайт телефон жиринглаб, Шароф Рашидов гаплашмоқчи эканлигини маълум қилишди. Вазирнинг биринчи ўринбосари зудлик билан етиб борди.

— Мен уч кун олдин Хоразм вилоти партия, хўжалик фаоллари, пахтакорлар билан учрашдим, — деди Шароф Рашидович. — Хўжалик раисларидан бири сўзга чиқиб, вилоятнинг республикада ўзига хос ўрни борлигини эслатди ва "шунга қарамай, қатор вилоятлар аҳолиси томоша қилаётган телекўрсатувларни бизда кўриш имконияти йўқ", деб қолди. Мен Хоразм аҳолиси Янги йилни телевизор қаршида кутиб олади, деб юборибман. Энди бугеги нима бўлади?

Масала жиддий ва айtilган ваъда кунига оз муддат қолгани учун Юсуф Хошимович уч кун муҳлат сўради. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ягона йўли — Хоразмда вақтинчалик кўчма телемарказ ташкил этилиши ва у мустақил дастур асосида суҳбатлар, кичик концертлар, кинофилмлар, кўрсатувлар бериб бориши мумкин, деган қарорга келинди. Бунинг учун 150 минг сўм маблағ ажратилди.

Телемарказни зудлик билан ишга тушириш ишларига раҳбарлик қилиш Хоразм вилоти алоқа бошқармаси бошлиғи Аҳмадjon Отажонов зиммасига юкланди. Тошкент ва Фарғонадан мутахассислар келишди. Телемарказ учун жой танланиб, 1,5 гектар ер ажратилди. 60 метрлик телеминара қуриш, телестанция жиҳозларини келтириш ва ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Йил охирида барча ишлар поёнига етказилиб, телестанция хизматга шай ҳолатга келтирилди. Шундай қилиб, вилоят раҳбарлари, айниқса Аҳмадjon Отажонов ғайрати билан Хоразм аҳолиси 1961 йил 31 декабрда Янги йилни ойнаи жаҳон қаршида кутиб олди!

1968 йили Хоразм вилотида почта, телеграф ва телефон корхоналари сони 1960 йилга нисбатан 69 тага кўпайган эди. Айниқса, қишлоқ жойларида бундай ўсиш деярли 2 баробарни ташкил этган. Шунингдек, ҳатташ 6,1 баробарга кўпайган ва 15,7 миллион газета ва журналлар эгаларига етказилиб, 1960 йилга қараганда 3,4 баробарга ошган.

1972 йилда Урганчда "АМТС-1М" туридаги шаҳарлараро автоматик станциялар ишга туширилди. Натижа



СУРАТЛАРДА: 1. Алоқа музейи директори Қадамбой Сафоев. 2. "Морзе" телефон аппарати.

олинган ҳолда, 1983 йили Алоқа вазирлигининг 139-сонли қарорига асосан Хивада республикадаги ягона алоқа музейи ташкил этилди. Алоқа музейи 1912 йилда қурилган бинода ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур музей тўртта залдан иборат бўлиб, унда телевидение-радиоуза тиш, телефон-телеграф, почта алоқалари тарихига оид экспонатлар ва шу соҳани ривожлантиришда хизмат кўрсатган ходимлар ҳамда меҳнат фахрийлари ҳақидаги маълумотлар, рисоалар, тарихий ҳужжатлар жойлаштирилган. Экспонатларни томоша қилган одам тарих қарига шўнғийди ва ўзини аجدодлар даврида юргандек ҳис қилади. Алоқа музейида жами 350 дан зиёд турли хил экспонатлар ўрин олган.

Хоразм вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси "Хоразм Телеком" филиали бўлиб шакллангунча, турли босқичларни босиб ўтди. Аммо, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин вилоятда бу соҳа мисли қўрилмаган даражада тез ривожланиб бормоқда.

1995 йилга келиб хизмат кўрсатаётган электр алоқа корхонаси асосий воситаларининг 22 фоизи ўз муддатини ўтаб бўлган ва шаҳар, туман марказларида кейинги 10-12 йил давомида қурилган телефон станциялари ҳам жаҳон андозаларига тўла жавоб бермай қолган эди. Республика ҳукуматининг Япония ташқи иқтисодий алоқалар банки билан тузган битимига асосан Урганчдаги шаҳарлараро автоматик уловчи телефон станцияси ва 40,5 минг нўқтали эскириб қолган ускуналарни алмаштириш бўйича 21 минг нўқтага ҳисобланган янги телефон станцияси қурилиши, шунингдек, Урганч шаҳрини туман марказлари билан боғловчи бир неча километр оптик-толали кабел линиялари ётқи зиш у-ун кредит ажратилиши кўзда тутилганлиги йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишга имкон берди.

ишлари авж олдирилди.

1999 йил февралда оптик-толали кабеллар ётқи зиш ишларининг биринчи навбати якунланди. Қисқа вақт ичида қўнча диёр энг замонавий телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланди. Харажат кам сарфланган ҳолда Урганч шаҳри ва 7 та туманда Ернинг сўнғий йўлдоши ёрдамида ишлайдиган рақамли АТСлар ишга туширилди. Тошкентда ўрнатилган йўлдошли антенна орқали Хоразм вилоти бевосита жаҳон билан алоқа боғлаш имкониятига эга бўлди.

Хоразмда ўрнатилган рақамли телефон станцияларида "Алоқа ДЭУ" қўшма корхонасининг жиҳозлари кенг қўлланилди. Энг узок туман ва қишлоқлар учун ҳам санокли дақиқада ўзаро алоқа боғлаш билан бир қаторда мустақил каналлар орқали шаҳарлараро ва йўлдошли халқаро алоқага чиқиш қулайлиги яратилди.

Япониянинг "NEC" корпорацияси Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларини мукаммал режалаштирилган алоқа тизимлари билан таъминлади. "NEAX61" алоқа станцияси кўп турдаги хизматлар кўрсатишга қодирлиги билан ажралиб туради.

Чет эл технологиясини ўзлаштириш мақсадида маъмурий томонидан бир гуруҳ алоқачи мутахассислар хорижда тажриба ўрганиб келиш учун юборилди. Рустам Янгибоев, Бахтиёр Мадаминов, Иброҳим Жабборов, Каримбой Ҳамроевлар Японияга, Фарҳод Янгибоев, Шоназар Жуманиёзов, Отабек Самандаровлар эса Жанубий Кореяда малака орттириб қайтдилар.

Бугунги кунда Хоразм ўз алоқачилари билан фахрлана аризиydi. Уларнинг олган билим ва меҳнат тажрибалари алоқа соҳасига кириб келаётган ёшларга ибрат бўлмоқда. Урганч шаҳридаги ахборот ва компютер технологиялари касб-ҳунар коллежида бўлажақ алоқачилар тайёрланади. Ўқувчилар янги техникани катта қизиқиш ва тиришқоқлик билан

суръатларда сифатли бажардилар.

Хоразмлик алоқачиларнинг шодлиги чексиз, чунки вилоятда сифими 61 минг нўқтага эга бўлган 18та рақамли телефон станцияси ва қуввати 5460 портга тенг шаҳарлараро телефон станцияси миҳозларга хизмат кўрсата бошлади. 1999 йили телефон станцияларининг сифими 80974дан 96054та нўқтага етказилди.

Аҳолининг орузи ушалди ва чексиз қувончига сабаб бўлган янги хизмат турлари вужудга келди. Жаҳон андозаси талабларига мос келадиган технологияни ишга туширишда вилоят алоқачиларининг деярли барчаси иштирок этишди.

Япония ҳукуматининг имтиёзли кредити иккинчи босқичи ҳисобидан Ҳазорасп, Питнак, Богот, Янгиарик туманлари марказларини Урганч шаҳри билан уловчи кабеллар ётқи зиш ишлари амалга оширилди. Ушбу JBIC-2 лойиҳаси бўйича 130,5 км узунликдаги оптик-толали кабел ётқи зишилиб, умумий сифими 6,5 минг рақамли 9та янги телефон станцияси қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, миҳозларга ахборот узатишни тақомиллаштириш мақсадида рақамли каналлар ҳам Урганч шаҳри билан туманлар марказлари ўртасида ишга туширилди.

JBIC-2 лойиҳаси бўйича Хоразм вилоти Тошкент шаҳри билан боғловчи алоқа каналлари тўлиқ захира каналларига эга бўлди. Шунингдек, вилоятда 2та алоқа халқаси яратилиб, ишга туширилиши натижасида ҳар бир туман маркази билан бўладиган алоқа каналларининг узлуксиз ишлаши таъминланди.

Рақамли алоқа тизимини ишлатишда фақат замонавий техникагина эмас, балки мутахассисларимизнинг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Улар Хоразм вилоти алоқа соҳасини янада юқори поғоналарга кўтара олишларига шубҳа йўқ.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилоти

Чашмалар

Бизнинг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факултети қошида кўп йиллардан буён «Чашма» адабий тўғараги фаолият кўрсатади. Иқтидорли талабалар шу тўғарақда малакали устозлардан ижод сирларини ўрганмоқдалар. Бу ерда тез-тез таниқли адиблар, шоирлар ва маданият арбоблари билан ўтказилаётган учрашувлар ҳам ёшлар тафаккури ва ғоявий дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг ниҳол қалбида эзгуликка эътиқод, маърифатга, инсонларга муҳаббат туйғуларини уйғотмоқда.

Университетимиз талабаларининг компютер технологиясини ўрганишларида «Хабар» газетасининг "Компютер саводхонлиги" рукнида берилаётган сабоқлар катта ёрдам бермоқда. Шу боисдан ушбу нашрни талабаларимиз севиб ўқийдилар.

Талабаларимизнинг ижод намуналарини ҳам «Хабар» ўқувчилари эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Шоира ИСАЕВА,

«Чашма» адабий тўғараги раҳбари, филология фанлари номзоди

Ватан!

Ватан!
Эриб кетай кучоқларингда,
Ё, бир гардинг бўлиб сочилиб кетай.
Арзимас бу жонни тупроқларингга
Нисор этолмасам, ўзинг айт, нетай?
Ватан!
Бир нур бўлиб сингиб кетайин,
Майли шабнамларга айланиб кетай.
Онамдек бошимни кўксингга қўйиб,
Минг бир илдингга жойланиб кетай.
Ватан!
Сени онамми ё отамми дейин,
Меҳрингни қалбимга кўчириб кетай.
Бир ожиз болангман, қисмати тайин,
Кўнгилдан армонни ўчириб кетай.
Ватан!
Эриб кетай кучоқларингда,
Ё, бир гардинг бўлиб сочилиб кетай.
Арзимас бу жонни тупроқларингга,
Нисор этолмасам, ўзинг айт, нетай?!



Сўнги кўнғироқ

Сени эсладим

Хазонлар оҳишта шивирлаганда,
Борлиқ сукунатин бузганда хушхол,
Бўзўрғай аламдан гоҳ бўзлаганда,
Сернаво булбуллар сайраганда зор,
Сени эсладим...

Куз келиб баҳорни соғинганимда,
Унинг нафасидан туйганимда бахт,
Тун келиб наҳорни соғинганимда,
Шунда ҳам, шунда ҳам, шунда ҳам фақат
Сени эсладим...

Биз юрган йўллардан юганимда гоҳ,
Узоқ-узоқларга элтганда хаёл,
Олис хотиралар жонланиб ногоҳ,
Сўнги бор экани бўлса-да аён,
Сени эсладим...

Сенсиз ҳаётимдан кетганда маъни,
Гоҳ севинч, гоҳида қучганида ғам,
Унитилса ҳамки барчаси-бари,
Сен мени эсламай қўйганимда ҳам,
Сени эсладим...

Малика ИБРОҲИМОВА,
202-гуруҳ талабаси

Вақт дея аталмиш ҳукмрон бобо,
Ўтказди ўз ҳукмин, дўстларим қаранг.
Тарқ этгим келмайди мактабни, аммо
Кўнғироқ сўнги бор чалинар жаранг.

Қанчалик тотли сўз эрур «синфдош»,
Аммо чалинмоқда сўнги кўнғироқ.
Юрак соғинчларга беролмай бардош,
Сизларни хотирлар ўйланиб узоқ.

Ёдимда қолади бари тамом, бас,
Хатто эшитганим танбех, раҳматлар.
Етди поёнига энди ҳеч бўлмас,
Дарсдан қочишлару ширин сўхбатлар.

Дилларда бор эди муҳаббат, ишонч,
Ажралиш азоби нақадар оғир.
Қалбларга улашиб бир олам қувонч,
Кўнғироқ чалинар, сўнги бор, охир.

Орадан ўтар вақт, ўтар ой, йиллар,
Ёдимга тушарсиз солиб хотира.
Бир-бирин кўмсаса агар кўнгиллар,
Учрашар синфдош, унутмас сира!

Саида САПАЕВА,
104-гуруҳ талабаси

Устоз

Дунёнинг устунни олам сарвари,
Камтарин муаллим, азиз устозим.
Сизга таъзим қилар дунёнинг бари,
Меҳрингиз булоғи билмағай тўзим.
Дедилар: ким улғ, қайси қалб юксак?
Кимдир қози деса, ким дер шифокор.
Азизим, аслида чин идрок қилсак,
Устоз, муаллимсиз барчаси бекор.
Гарчи, муаллимсиз ёруғ олам ҳам,
Чикмас бўлиб қирар қаро зулматга.
Гарчи, муаллим-ла яшнагай олам,
Кўнгиллар интилгай эзгу ниятга.
Оз эрур қанчалик қилсак ташаккур,
Арзийди пойини айласак тавоф.
Хатто маҳшарда ҳам устоз устоздир,
Устозни қадрлаш — энг катта савоби!

Муяссар БАЙМАНОВА

Бедорлик

Соат милларига жо бўлган кўшиқ,
Юрагим торини чертиб ўтади.
Қалбимдаги армон, азобимсан ишқ,
Бедор юлдузлардек тонгим отади.

Мен туннинг бағрига сингиб ўтаман,
Оху нидоларим қайга етади.
Ишқим, қўиноғингдан тўйиб кетаман,
Бедор юлдузлардек тонгим отади.

Тонг беҳол тўлгонсам меҳр дардида,
Бағримга аламли тикон ботади.
Наҳотки, кеч бўлди яна бу кеча,
Бедор юлдузлардек тонгим отади!

Гулсала ЭГАМБЕРДИЕВА

Мен ҳам бир дўст бўлдимми-ё?

Дўст кўнглини оғритдимми, билолмадим,
Дардларига ҳеч ҳам малҳам бўлолмадим,
Дармон истаб менга боқди, қаролмадим,
Дўстлар айтинг, мен ҳам бир дўст бўлдимми-ё?

Бор меҳримни дўстгинамга беролмадим,
Бахт қаъридан бир уй унга қуролмадим,
Бошим эгиб бир узр ҳам сўролмадим,
Дўстлар айтинг, мен ҳам бир дўст бўлдимми-ё?...

Феруза ЁҚУБОВА
305-гуруҳ талабаси

Муҳаббат

Муҳаббатнинг шаробидан тотмаган ким?
Унинг зорин, азобини тортмаган ким?
Ҳаётида бир бор унга тўқнаш келиб,
Атрофини четлаб ўтиб кетганми? Ким?
Баҳор келиб, севги кутку солди кимга?
Бир баҳодир кўнгил очмиш дилбар қизга.
Авайлангиз, уни асраб мисли маржон,
Топинг роҳат, ошно бўлинг садоқатга.

Дилобар САЙДАҲМЕТОВА,
2-босқич магистранти

ТАҲРИРИЯТДАН:


Бундан кейин ҳам талабаларнинг ижодий машқлари «Хабар» саҳифаларида чоп этиб борилади.

Газетамизнинг яқин сонларида Сиз Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ижоди билан танишасиз.



КРОССВОРД

Тузувчи: Рўзбой АЗИМ



1 (746)-сонда берилган кроссворднинг жавоблари

БЎЙИГА:

1. Моваруннахр. 2. Фазо. 3. Гавжар. 4. Отабек. 5. Об. 6. Асорат. 7. Қашқар. 8. Парк. 9. "Шайбонийнома". 18. Ақча. 19. Чавгон. 20. Қорақалпоғистон. 21. Фарсах. 23. Кедр. 26. Чанг. 28. Тахт. 31. Арча. 34. Ерти. 41. Япрок. 43. Атроф. 44. Жавзо. 47. Роман. 48. Аскар. 49. Жамна. 51. Мэр. 52. Ота. 58. Шарқунослик. 60. Фармакология. 62. Шанхай. 63. Нола. 66. Унли. 67. Дераза. 69. Хаёт. 70. Ядро. 72. Офат. 76. Штат. 87. Лайлак. 88. Иштахра. 89. Хумсон. 90. Чамбил. 95. Лион. 96. Кема. 100. Ом.

ЭНИГА:

4. Овора. 10. Осажа. 11. Арафа. 12. Ватан. 13. Фориш. 14. Прадо. 15. Кобра. 16. Танбек. 17. Кавсар. 18. Аро. 22. Нок. 24. Уяқ. 25. Оч. 27. Сон. 28. Ту. 29. Пари. 30. Чин. 32. Ан. 33. Ча. 35. Йод. 36. Ногирон. 37. Лаб. 38. Хурсон. 39. Фа. 40. Ов. 42. Ханжар. 45. Асака. 46. Дирхам. 50. Спорт. 53. Сахар. 54. Раво. 55. Экспорт. 56. Емак. 57. Подшо. 58. Афина. 61. Афсона. 64. Тўгон. 65. Тундра. 68. Ер. 71. Ре. 73. Қўналға. 74. Исо. 75. Дилором. 77. Фощ. 78. Ез. 79. Ор. 80. Афр. 81. Умар. 82. Йг. 83. Том. 84. Ой. 85. Уздра. 86. Тун. 91. Онт. 92. Қамши. 93. "Шухрат". 94. Ғусул. 96. Квота. 97. Лаган. 98. Асбоб. 99. Илора. 101. Илмли. 102. Армон.

БЎЙИГА:

1. Халқаро анжуман. 2. Аждод-авлодлар мажмуи. 3. Диний атама. 4. Ўзбек бастакори. 5. Мерос қилинган мулк. 6. Солиқ тури. 7. Лондонлик машҳур изкувар. 11. Кимёвий модда. 12. Кавказдаги давлат. 14. Физика фани қисми. 19. Денгиздан олиндиغان фойдали модда. 20. Фарғона вилоятидаги туман. 23. Табиат ҳодисаси. 25. Машҳур боксчи. 27. Тошкент вилоятидаги туман. 29. Тожикистондаги шаҳар. 30. Банк ишлари атамаси. 37. Сув. 40. Қўш уйи. 49. Вайрон. 50. Европадаги пойтахт шаҳар. 52. Газлама тури. 53. Пирамида. 54. Қасам. 55. Тошкентдаги машҳур спорт мажмуаси. 56. Нинали ҳашарот. 57. Шўр. 62. Сирдарёнинг қадимий номларидан бири. 63. Фарғона водийсидаги туман. 64. Асраб олинган фарзанд. 65. Ўзбек хонандаси. 67. Атлас газламаси билан машҳур шаҳар. 69. Эркаклар исми. 71. Мўғулларга қарши курашда мардлик кўрсатган баҳодир. 73. Сув ҳавзасида яшовчи қуш. 76. Ҳинд сийсатчиси ва давлат арбоби. 79. Ўзбек тилидаги боғловчи. 81. Хейёрдал кемаси. 92. Уй ҳашароти. 93. Навоий вилоятидаги туман. 95. Теварак, муҳит. 97. Ошхона анжومي. 98. Одиллик. 100. Болалиқдан берилдиган фойдали "озуқа". 101. Кишилар тақдирини «билувчи» инсон. 102. Халқ оғзаки ижоди жанри.

ЭНИГА:

8. Саёҳат. 9. Халқ шоири. 10. Ҳайвонлар исми. 12. Кимёвий модда. 13. Туркия пул бирлиги. 15. Пайгамбар авлодлари. 16. Тўқима буюм. 17. Митти ҳашарот. 18. Н.Тургеневнинг машҳур ҳикояси. 21. Франциядаги шаҳар. 22. Канада пойтахти. 24. Чумчүқсимонлар оиласига мансуб қуш. 26. Ҳозирги Перу ҳудудига яшаган қадимги ҳинду халқи номи. 28. Тантана, базм. 31. Намангандаги туман. 32. Исролдаги фарзалардан бири. 33. Суяқ таом. 34. Миллат. 35. Фотоаппарат русуми. 36. Намоз вақти. 37. Ранг тури. 38. Хитой сийсатчиси... Цзе Дун. 39. Муסיкий нота. 41. Эрондаги шаҳар. 42. Буюк, улуг. 43. Фарғона шаҳридаги нефть-газ қони. 44. Хўл мева. 45. Африкадаги дарё. 46. Баланд ер. 47. Италия пойтахти. 48. Хоразм воҳасида учрайдиган ёввойи ҳайвон. 51. Яқин аёл қариндош. 53. Осиёдаги давлат. 58. Россиядаги дарё. 59. "Хамса" асарига қарамон. 60. Қурилиш ашёси. 61. Икки киши томонидан қуйланган қўшиқ. 66. Уйғур халқининг бошқача аталиши. 68. Ижтимоий онг шакли. 70. Ой номи. 72. Ота маъносини англатувчи сўз. 74. Хўл. 75. Мактуб. 77. Африкадаги давлат. 78. Арманистон пойтахти. 80. Қурилишда ишлатилдиган ашё. 82. Хаёт манбаи. 83. Самолёт русуми. 84. Алам, ситам. 85. Вертолёт русуми. 86. Асал. 87. Меҳнат қилганда "тўқилади". 88. У келса, ақл кетади. 89. Атомсфератаги сув томчилари тўплами. 90. Тамом, якун. 91. Қозғистондаги дарё. 92. Эрон тилларининг шарқий гуруҳига мансуб ўлик тил. 94. Баҳайбат сув ҳайвони. 96. Ёр-биродар. 99. Халқ оғзаки ижоди жанри. 103. Хосиятли рақам. 104. Ширинлик тури. 105. Само, фалак. 106. Осиёдаги дарё. 107. Ўзбек халқ достони қаҳрамони. 108. Субҳидам. 109. Юлдуз туркуми. 110. Отлиқ хабарчи. 111. Шейр шакли. 112. Зиё, нур.

Жанда

Аёл дастурхонга 20та катта торт келтириб қўйди.

Эр:

— Ие, бугун қанақа кун ўзи? Ниманидир нишонляямизми?

— Ҳа, менга шуба олиб берганингизга бугун 20 йил тўлди, шуни нишонлаб қўяйлик...



Расмий маълумотларга қараганда, Намибияда ўн бир гуруҳ элат истиқомат қиларкан. Уларнинг урф-одатлари, никоҳ маросимлари бир-бирдан фарқ қилади. Ана шулардан бири — оваимба қабиласининг никоҳ маросимлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Куёвлар аввал саваланади!

Оваимбалар одати бўйича, келинни куёвнинг отаси танлайди. У ишни келиннинг ота-онаси билан битиради. Музокаралар анчагача давом этиб, кизнинг фикри инobatга олинмайди. Ниҳоят, ота-оналар ўзаро келишишгач, қурбонликка жонлиқ сўйилди. Шундан сўнг келиннинг ота-онаси, албатта куёш ботганидан кейин куёвнинг кулбасига ташриф буюрадилар ва унинг олдида тиз чўкишади. Бу янги қариндошлик алоқаларига нисбатан ҳурмат белгисидир. Одат бўйича келин-куёв бир кулбада ёлғиз тунаб қоладилар. Аммо улар кўрпа вазифа-



сини ўтовчи похол тўшақда алоҳида-алоҳида ётишади. Эртаси кун тонгда куёв келиннинг кулбаси яқинидан жой олади. Келиннинг отаси эса тўйга келадиган меҳмон-

ларга таом тайёрлаш учун яна бир жонлиқ сўяди. Шундан сўнг тўй тантанаси бошланади. Бир гуруҳ эркаклар келинни олиб кетиш учун бақириб-чақириб, қўшиқ айтиб, келин жойлашган кулбага бостириб киришга ҳаракат қилдилар. Хотин-қизлар астойдил уларнинг ҳужумига қаршилиқ кўрсатишади. «Жанг» вақтида рақиблар ҳатто бир-бирларини ерга қулатиб ҳам юборишади. Бу ҳеч кимни ранжитмаслиги керак. Чунки маросим байрам тантанасидек ўтиши лозим. Мабодо, эркаклар кизни олиб кетишолмаса, улар хотинларга тоvon тўлашга мажбур бўладилар.

Ниҳоят, келин қўлга киритилгач, уни муқаддас гулхан яқинига олиб келишади. Шу ерда келиннинг отаси кизига ўз пойабзалини кийишига рухсат беради. Бу — кизнинг уйдан кетиши мумкин, деган маънони англатади. Энди навбат куёвга келади. Муқаддас гулхан олдида келиннинг қариндош-уруғларидан иборат аёллар қўлларига каркидон терисидан ясалган қамчи билан куёвни савалай бошлашади. Ана шундан кейингина келинни олиб кетишга рухсат берилади. Сўнг оммавий тантаналар билан келин ва куёв янги ясалган кулбаларига кириб кетадилар. Шу билан тўй тантанаси тугаб, меҳмонлар уй-уйларига тарқайдилар.

Иzzат АХМЕДОВ тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Пахтаобод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Иброҳимжон НАЗАРОВ**ни муборак элик ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилайди.

Азиз ва меҳрибон падари бузрукворимиз **Худойберди ака КЕДИЕВ**.

Сизни қутлуг 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз.

Бизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлишингизни ва узоқ умр кўришингизни Аллоҳдан тилаб қоламиз.

Фарзандларингиз **Ҳасан, Ҳусан, Нафиса, Саодат** ва неварангиз **Алишер**.



SPORT

Соҳада мини-футболга бўлган эътиборнинг юқорилиги, спортнинг ушбу тури бўйича қатор мусобақаларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани яхши самара бермоқда. Эндиликда алоқачилар нафақат ўз соҳалари миқёсида, балки бошқа соҳа вакиллари иштирокидаги мусобақаларда ҳам юксак маҳоратга эга эканликларини исботлашмоқда.

СОВРИНДОРЛАР ҚАТОРИДА АЛОҚАЧИ-ФУТБОЛЧИЛАР



ТШТТ жамоаси

Маъмур ҳафтада Тошкент давлат авиация институти спорт залида мини-футбол бўйича “ТДАИ Кубоги” очик турнири ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги олий ўқув юртлири жамоалари билан бирга, Тошкент ахборот технологиялари университети, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” ҳамда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” жамоалари ҳам иштирок этди.

Мусобақанинг гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтган “ШАК” ва “ТШТТ” жамоалари ярим финалда

ўзаро рўбарў келишди. Шу ўринда айтиш керакки, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиалида кейинги йилларда мини-футболга жиддий эътибор қаратиляпти. Корхона вакилларининг сўзларига кўра, филиал жамоаси доимий равишда ҳафтасига икки маротаба машғулот ўтказаятган экан. Жамоа ярим финалда 8:4 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсада, 3-ўрин учун кечган баҳсда Шарқшунослик институти футболчиларига ҳеч қандай имконият қолдирмади — ҳисоб 7:1.

Соҳанинг уч карра чемпиони “ТШТТ” жамоаси ярим финалда ўз ҳамкасбларини ортда қолдириб, финалга йўл олди. Кубок учун кечган ҳал қилувчи баҳсда уларнинг рақиби мезбонлар – “Авиатор” жамоаси бўлди. Учрашув ниҳоятда шиддатли тарзда кечди. Икки жамоанинг ҳам мусобақага жиддий тайёргарлик кўргани ўйин давомида сезилиб турди.

Ҳақам томонидан учра-

шувнинг яқунланганлигини билдирувчи ҳуштак чалинганда таблода 3:3 ҳисоби порлаб турарди. Навбат — пеналтига. Бу вазифани амалга ошириш учун икки жамоадан ҳам беш нафардан футболчи танлаб олинди. Кетма-кет тепилган тўплар рақиб дарвозасидан ўрин олаверди. Дарвозабонлар бирор вазиятда ҳам ўз жамоасига ёрдам бера олишмади — ҳисоб 8:8га етди. Финалчилар яна қайтадан пеналти тепишни бошлашди. Мусобақа шarti бўйича биринчи хатогача жарима тўпи тепилиши керак эди. Биргина хатого йўл қўйган жамоа кубокни бой бериши аниқ бўлиб қолди. Лекин иккала томон вакиллари ҳам хато қилишни исташмас эди. Ниҳоят, ҳисоб — 19:19, тўп тепиш навбати “ТШТТ” футболчисига келди. У зарба берди ва дарвозабон тўпни бартараф этди... «Ўз уйингда деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек мусобақа мезбонлари қийин учрашувда голибликка эришди.

Мусобақа якунида голиб ва совриндор жамоалар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



ШАК жамоаси

Ўтганларнинг охири ошод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Курманғали Колановга синглиси

Лаъзат КОЛАНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали жамоаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Курманғали Колановга синглиси

Лаъзат МОЛДАГАЛИЙ ҚИЗИНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти Агентликининг собик ходими, меҳнат фойдаловчиси

Ҳожи МАҲКАМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Коллектив Республиканского центра управления сетями телекоммуникации Узбекистана выражает свои искреннее соболезнования вдове инженеру РДУ-СТУз Сергею Самуиловичу Гузмани и заместителю директора филиала «ШАК» АК «Узбектелеком» Игорю Самуиловичу Гузмани, в связи с кончиной их матери

ГУЗМАН Перли Ицковны

Коллектив филиала «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» АК «Узбектелеком» выражает искреннее соболезнования Гузмани Игорю Самуиловичу и Гузмани Сергею Самуиловичу в связи с кончиной их матери

ГУЗМАН Перли Ицковны

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази

Куйидаги вакант лавозимларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида камида 5 йиллик иш стажига ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган, олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни тавлов асосида ишга қабул қилади:

- лаборатория бошлиғи (ахборот хавфсизлиги ва криптология бўйича мутахассис);
- бўлим бошлиғи (электрон рақамли имзо бўйича мутахассис);
- илмий ходим (электроманит мослашув бўйича мутахассис);
- бўлим бошлиғи уринбосари (алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштириш бўйича мутахассис);
- етакчи муҳандис (атамашунослик ва лугатлар бўйича тилшунос мутахассис).

Лавозимларга талабгорлар 2007 йил 25 январга қадар Марказнинг ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 150-34-08.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 7-а уй. 19, 63, 115-автобусларнинг “Бодомзор” бекати.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусалд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфило ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Хабар” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўғрилик-лига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланганлиги.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилиди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёк Турон” кўчаси, 41-уй.

50-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 11487 нусха.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ.
Мати терувчи: Дилфуза МАТКУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

● SIZ KUTGAN UCHRASHUV



Газетамизнинг бугунги меҳмони Ўзбекистон халқ артисти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, эл суйган санъаткор Тўтихон ЮСУПОВА.

Ассалому алайкум, «Хабар» газетаси ходимлари. Аввало, Сизларни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни Янги йил билан чин дилдан табриклайман. Ўз тақлимни билдирмоқчи эдим. Саҳифаларингизда хонандалар билан бир қаторда, таниқли санъат арбоблари, театр ва кино актёрлари билан ҳам суҳбатлар уюштириб борсангиз, нур устига аъло нур бўларди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилаб,

Муҳаммадсодиқ МАМАДЛИЕВ,
меҳнат фахрийси,
Анджон шахри

Самарқандлик мулла Рўзикул бобо суюкли ўғли Юсуфжон хондониди хажжигина қизалоқ тугилганида, унга тўғидай ширинзабон бўлсин, одамларга сўз билан хизмат қилсин, деган ниятда Тўтихон деб исм қўйган эди.

Бобонинг нияти ижобат бўлиб, Невараси мактабда ҳам, Самарқанддаги хотин-қизлар педагогика билим юртида ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Ўқитувчилар қўзғиниб сўзамоллигига, кучли хотирасига қўйил қўлишарди. У бир неча бетлик шеърий асарларни гоят қисқа фурсатда ёдлай оларди. Уша пайтда Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номидаги мусикали драма театрига спектаклларнинг оммавий сахнасига билим юрти талабаларини таклиф этиш одат тусига кирган эди. Ана шундай кунларнинг бирида иқтидори шаҳло кўларинда акс этиб турган Тўтихон театр жамоаси эътиборини ўзига торқди. У спектаклларда қатнаша бошла-

Тўти ЮСУПОВА:

МЕНДАН ҲАМ БАХТИЁР ОДАМ БОРМИКИН...

ди. 1953 йили эса Ҳамза номидаги театр бош режиссёри Тошхўжа Хўжаев ундаги санъатга ошуфталикни қўриб, Тошкентга олиб келди. Шундан бери Тўтихон опа ҳаётини театрга боғлаган.

— Тўтихон опа, қайси рол орқали санъатга меҳрингиз тушганини эслай оласизми?

— Хотин-қизлар билим юртида ўқиб юрган пайтимда "Бой ила хизматчи" спектаклини томоша қилганман. Ушанда Хонзода хола образи мени мафтун этган, агар артист бўлсам, албатта шу ролда ўйнайман, деб ният қилган эдим. Ниятим ижобат бўлди, алхамдулиллоҳ.

— Миллий академик театрга келганингизга неча йил бўлди?

— Устозим Тошхўжа Хўжаев ёрдами билан 1953 йили Островский номидаги театр ва расомчилик институтига ўқишга кирдим. 1957 йили институти битирган барча курсдошларимизга ушбу

театрга йўланма беришди. Ўшандан бери шу ерданман. Зайнаб Садриева, Икрома Болтаева, Тошхон Султонова, Замира Хидоятова каби таниқли санъаткорлар билан ишлаш насиб этганидан бахтиёрман.

— Ўзингиз севиб ижро этган ролларингиз қайсилари деб ўйлайсиз?

ёнимга қўлади. Шунда шамширнинг темирдан ясалган банди шарақлаб пешонамга тушса бўладими. Оғрикдан кўзимдан олов чиқиб кетди, гўё. "Бой" дея бошимни кўтарганимни биламан, томошабинлар: "Ана, Луиза тирилди, тирилди", деб қўлишди-ку. Яна бошқатдан "Ўлдим".

— Опа, оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз, фарзандларингиз ичда санъат йўлини танлаганлари борми?

— Турмуш ўртоғим Мирғиёс ака Соатов билан институлда

бирга ўқиганмиз. Севиб, севилиб турмуш қурганман. У киши узок йиллар киностудияда дубляж директори бўлиб ишлаб, нафақага чиққанлар. Қизим ота касбини танлади, десам хато бўлмайди. Ўзбекистон телевидениеси дубляж студиясида муҳаррир бўлиб ишлайди. Ўғилларим бошқа соҳаларни танлаган. Оиламизда бошқа санъаткор йўқ. Эҳтимол, ун нафар неварою, икки нафар чеваралар ичидан чиқиб қолар, худо хоҳласа.

— Ўзингизни бахтли деб ҳисоблайсизми?

— Албатта, санъат туфайли элга танилдим. Халқим ардоғиданман. 2001 йили муқаддас ҳаж зиёратини амалга оширишдек улкан бахт насиб этди. Мендан ҳам бахтиёр одам бормикин, деб ўйлайман ва ҳаммаси учун Яратганга шўкр қиламан!

— Томоша жараёнида қулгили ҳолатлар ҳам бўлиб турадилми?

— Бўлганда қандоқ, "Макр ва муҳаббат" спектаклидаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушанда Луиза ролини ўйнаганман. Спектакл сўнгига Луиза заҳар ичиб ўлиши керак. "Заҳар"ни ичиб "ўлиб" ётибман, денг. Мени қўриб, севилими Фердинанд ҳам юрагига шамшир "санчиб"

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди

● ОБУНА — 2007

Обуна давом этади...

Бободоҳқон кўтарган хирмонининг чўғини чамалаб мамнун бўлса, матбуот аҳли ҳам обуна яқунларини таҳлил қилиб, келгуси иш режаларини белгилаб олади.

"Хабар"га 2007 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказишда Агентлик раҳбарияти, ҳудудий бошқармалар, "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва уларнинг филиаллари раҳбарларининг хизматлари катта бўлди. Айниқса, бу йилги обуначиларимиз сафида Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таҳсил олаётган талабалар кўпчиликини ташкил қилади. Университет раҳбариятига газетамиз обунасига жиддий ёндашганлари учун алоҳида миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, обуна уюштиришда яқиндан ҳамкорлик қилган "INTER-PRESS" МЧЖ ходимларининг меҳнати ҳам таҳсинга сазовордир.

"Матбуот тарқатувчи" АК томонидан тақдим қилинган жадвалда акс этганидек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри ва Фарғона вилояти обуначилари минглик довондан ўтишди. Яна шуниси эътиборлики, бир неча йилдан буён олиб бораётган қузатишларимиз Фарғона ва Навоий вилоятларида газетамизга доимий обуна бўладиган муҳлислар кўпчиликини ташкил қилишини кўрсатди. Уларнинг аксарияти бир йилга тўлиқ обуна бўлишган.

Ҳозирги аҳвол бўйича, йилнинг биринчи ярмига бориб, газетамиз адади 3593тага камайдди, яъни обуначилар сони 7236та, йил охири — декабр ойида эса жами обуна сони 3861 тани ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Агентликнинг барча вилоят ҳудудий бошқармалари, "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиаллари, "Матбуот тарқатувчи" АК таркибий бўлими раҳбарлари алоқачиларнинг ягона газетаси учун йил давомида обуна уюштиришда доимо шахсий ташаббус ва куч-ғайрат кўрсатадилар, деб умид қиламиз.

Азиз муштарийлар!
"Хабар" — Сизнинг газетангиз. У билан доимо ҳамнафас бўлиш, муборак жума кунни дийдорлаштириш Сизнинг сайёҳаракатингизга боғлиқ. Шундай экан, обуна бўлишга улгурман ҳамкасбингиз, дўсту ўртоқларингизга ҳар ойнинг йигирманчи санасигача ёзилиб, келгуси ойдан "Хабар"ни олишлари мумкинлигини яна бир бор эслатиб қўйсангиз, яхши бўлар эди.

Ҳурматли муштарийлар! Газетамиз орқали Сиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг тезкор хабарлар, янгиликлар, республикамизда ва жаҳонда рўй бераётган воқеалар, соҳа фидойилари ҳақидаги мақолалар, компютер ва Интернетдан фойдаланишни ўргатувчи сабоқлар, барча теледастурлар билан танишиш имконига эга бўласиз.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади.

Тахририят

"Хабар" газетасига 2007 йил учун расмийлаштирилган обуна бўйича маълумот*

Вилоятлар ва Тошкент шахри	янв.	фев.	март	апр.	май	июн	июл	авг.	сент.	окт.	нояб.	дек.
1 Қорақалпоғистон Республикаси	1551	1546	1545	1217	1217	1217	653	653	653	641	641	641
2 Анджон	954	953	931	744	714	714	403	403	403	403	403	403
3 Бухоро	557	552	549	456	454	453	278	278	278	278	277	277
4 Жиззах	394	394	394	304	303	288	90	90	90	90	90	90
5 Навоий	334	334	319	316	316	316	300	300	300	300	300	300
6 Наманган	390	390	388	293	293	293	187	187	186	186	186	186
7 Самарқанд	627	627	627	442	442	439	286	286	286	286	286	286
8 Сирдарё	370	369	368	282	281	281	26	26	26	26	26	26
9 Сурхондарё	876	859	855	673	673	673	161	161	161	161	161	160
10 Тошкент	539	511	495	344	343	343	155	155	155	155	155	155
11 Тошкент шахри	1819	1818	1817	629	624	622	274	274	274	272	272	272
12 Фарғона	1105	1072	1054	956	956	956	820	820	820	820	820	820
13 Хоразм	468	468	456	334	334	334	187	186	186	186	184	184
14 Қашқадарё	845	844	801	308	308	307	61	61	61	61	61	61
ЖАМИ	10829	10737	10599	7298	7258	7236	3881	3880	3879	3865	3862	3861

Ушбу жадвалдаги маълумотлар "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Тошкент почтамати" филиали ва "INTER-PRESS" МЧЖ томонидан тақдим қилинган.



Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг уяли алоқа телефон воситаларидан фойдаланишлари тақиқланди.

Хўш, ушбу қарорга йўл-патрул хизмати ходимлари, транспорт ҳайдовчилари қандай муносабат билдиришмоқда? Уяли алоқа хизмати компаниялари-чи?